



(2005 йил чоп этилган «Вал-Вазер» тўпламининг сўзбоши қисми)

Горбачев бошлаб берган «Перестройка» даврида сиёсатга кирган Муҳаммад Солиҳ мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ — ёзувчилар сиёсат бобида тажрибасиз эдилар. Улар сиёсий ўйинларни билмас ва тез-тез пихини ёрган коммунистларнинг тузоғига тушардилар. Муҳаммад Солиҳ «Бирлик» ҳаракатини ташкил этганларнинг бошида келади. Ҳаракат қурилаётган пайтда тан олинган антикоммунист бўлган бу кишининг атрофини коммунистлар ўраб олган эди.

Муҳаммад Солиҳ коммунистларни йўқ қилиш тарафдори эмасди.

Бу хусусда нутқ қилиб, «Коммунистлар алоҳида бир ирқ эмас, улар бизнинг оға-иниларимиз, опасингилларимиздир, биз улар билан бирга ўлкамизнинг мустақиллиги учун курашмоғимиз керак», деганди.

Аммо КГБ мустақиллик тарафдори бўлган бу миллий шуурни обрўсизлантириш учун аллақачон ҳаракатга кечган эди. КГБнинг бу кампанияси Муҳаммад Солиҳга қарши ёзилган «Двойной стандарт честного Мухаммада» (15 декабря, 1988 г, «Правда Востока») мақоласи билан машур ҳолга қелди. Мақолада Солиҳ «Нью Йорк Таймс» газетасига берган интервьюсида пахта монокултураси ва Москванинг ерли халқларга қарши мустамлака сиёсати ҳақидаги фикрлари учун қаттиқ қоралаганди.

Нью Йорк Таймс шундай деб ёзди: «Ўзбек ёзувчилари, иқтисодчилар ва маъмурлардан ташкил топган кичик бир гуруҳ Ўзбекистоннинг Москва учун бир пахта плантацияси эканлиги масаласини қўтардилар. Шоир ва Ёзувчилар Уюшмаси секретари Муҳаммад Солиҳ бизга шундай деди: Фожа Сталиннинг мамлакатни пахта мустақиллиги билан таъминлаш ғоясидан бошланди. Бу пахта мустақиллиги



МУҲАММАД СОЛИҲ ҲАҚИДА

Ўзбекистон учун ҳақиқий қулликка айланди.» (The New York Times, 06.11.1988, Bill Keller) 1988 йилда бундай фикрларни айтиш уни айтган одам учун таҳликали саналарди. Муҳаммад Солиҳнинг шу сўзларига эътибор беринг: «Мен машҳур бўлиш учун сиёсатга кирмадим. Аксинча, машҳур бўлганим учун сиёсатга киришга мажбур бўлдим. Ҳеч қачон ҳеч ким билан рақобат, мусобақа қилмадим, ҳамиша Оллоҳнинг менга ёзган тақдиридан миннатдор бўлдим. Рақобат, ҳасад бечора ва инончсиз инсонларнинг қисматидир. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, камина бу дунёда нима қилишини ва нима учун қилишини доим билди. Ва ўзимнинг қилаётган ишимни ҳеч қачон иккинчи даражали иш деб ҳисобламадим. Шёнр ёзган пайтларимда мен учун шеърият дунёда энг муҳим ва энг олий маслак эди. Энди сиёсат ҳақида шундай фикрдаман. Сиёсатни «фоҳишалик» деб атаб, яна ўша сиёсат билан шуғулланишда давом этган сиёсатчилардан нафратланаман. Афсуски, бундай цинизм собиқ совет ўлкаларининг

сиёсий элитаси ичида тобора ёйғинлашмоқда. Империянинг оғир босимидан қутилмаганда, дафъатан қутилган бу сиёсатчилар ақл ва виждон мувозанатини йўқотиб қўйдилар. Улар қутилмаганда бошларига қўнган озодлик қушининг хўш бўйларидан сархуш бўлдилар, масту-аласт бўлдилар. Ва ўз халқларига қарши жиноят ишлай бошладилар ...» (Муҳаммад Солиҳ, «Отряхнув с души пыль», Эмигрантское издание «Центральная Азия», 1996 год, Швеция) Муҳаммад Солиҳ шундай дейди: «1992 йил августидан то 1993 йил баҳоригача КГБ тарафидан давомли кузатув остида яшадим ва деярли ҳеч бир фаолият кўрсатолмадим. Газеталаримизни чиқишдан тўхтатгандилар.

Халқ билан учрашувга йўл қўйишмас, борган жойимизда провокатсиялар уюштириб, жанжал чиқаришарди.»

1993 йил феврал ойида Бахтиёр Исобекнинг «Эрк йўлида» деган китоби босилиб чиқди. Чет элда босилган бу китобнинг бир неча юз нусхаси Тошкентда тарқатилди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Китоб «Эрк» партиясининг қисқача таржимаи ҳолини баён қиларди. 1993 йил апрел ойининг бошида ўша китоб учун Муҳаммад Солиҳни ҳибсга олишди.

«Йўлнома» китобида ёзилишича, Муҳаммад Солиҳни Ички ишлар Вазири суҳбатга чақиради, Вазир Алматов баъзи одамларнинг чақимчилиги туфайли ҳукумат Муҳаммад Солиҳ ҳақда ёмон фикрга бораётганини айтади. Агар вақтингиз бўлса, пастда шаҳар прокурори Жўраев ўтирибди, унинг баъзи саволларига жавоб бериб кетсангиз яхши бўлади, дейди. Солиҳ пастга тушади, у ерда Прокурор Жўраев сўроғидан кейин, кечаси соат бирда, Муҳаммад Солиҳни ички ишлар Вазирлигининг бутун Советлар Иттифоқига донғи кетган ертўласига туширадидилар...

Ертулада тўрт кун қолди. Тўртинчи кун, чет эл жамоатчилиги тазйиқи остида Солиҳни ертўладан чиқаришади.

Солиҳ атрофидаги исканжа ҳалқаси тобора тораймоқда эди...

Америкалик тадқиқотчи Руж Диблер шундай деб ёзади: «1993 йил мартда Муҳаммад Солиҳ яширин тарзда Қозоғистонга йўл олди ва у ерда ўзининг «Давлат сирлари» памфлетлар китобини чоп этди. Тошкентга қайтгач, «жойидан жилмаслик» ҳақидаги тилхатини бузганлиги учун устидан яна битта жиноий иш кўзгатиладиганидан хабардор бўлди.

«Аввал Туркия (1993), сўнгра Германияга (1994) қувғин қилинган Солиҳ «Нурафшон кунлар сари» номли машҳур чиқишларидан бирида халқни озод яшаб, хур фикрлашга чақираркан, нурафшон кунлар, Ўзбекистон хур ва демократик бўлишига умид билан яшаш керак дейди...

Хиёбоннинг тўрида танҳо ва мағрур, ўз хаёллари билан банд яшаётган ҳайкал мисол, Солиҳ ҳам шуҳрат ва машҳурлик мевасини татиб кўрди... Аммо бугун у ёлғиз ва қувғиндадир. (Ruth Diebler Literature and Politics: Mohammed Salih and Political Change in Uzbekistan From 1979 to 1995, Indiana University, Bloomington – 1996)

Муҳожирлик

Муҳаммад Солиҳнинг Истанбулга келиши билан ҳукумат тарафидан тақиқланган «Эрк» газетаси янгидан босила бошлади.

Айни пайтда М. Солиҳнинг «Ойдинлик сари», «Этикоднинг чорраҳаси бўлмади» китоблари ҳам Истанбулда дунё юзини кўрди.

1994 йилнинг феврал ойидан бошлаб «Эрк» газети Ўзбекистоннинг шаҳарларида тарқатила бошлади.

Туркияда эса, Истанбул, Бурса ва Анқара шаҳарларида ўқиётган ўзбек талабалари муҳолифат нашрларида фаол иштирок этдилар. Эрк партияси лидернинг бундай қизғин фаолияти президент Каримовни ташвишга соди ва у Солиҳнинг Туркиядан ҳайдаб чиқарилишини талаб қила бошлади.

Турк ҳукумати 1994 йил октябрда Солиҳ Германияга чиқиб кетишга мажбур қилди. 1995 йилнинг феврал ойида Солиҳ Америка Кўшма Штатларининг «Миллий Демократия Институтини» тарафидан ташкил қилинган, ўзбек муҳолифати ва ҳукумати масалаларига бағишланган семинар-конференцияга қатнашди. Семинарда ўзбек ҳукумати номидан Адлия министри А. Мардиев қатнашди. Семинар «Бирлик»чи Пўлатовнинг жанжали билан бузилди. Муҳолифатнинг яқдил эмаслигидан фойдаланган ҳукумат Ўзбекистон ичида муҳолифатга қарши қоралаш кампаниясини кучайтирди. «Эрк» партияси биринчи марта «давлат тўнтариши» тайёрлаганликда айбланди.

«Давлат тўнтарувчилар» 1994 йил октябрда «ушланди». Булар 11 та ёш йигитдан иборат «лашкар» эди. Улар аслида, 2-3 кишилик гуруҳлар шаклида «Эрк» газетасининг Истанбулда нашр қилинган нусхаларини Тошкентга олиб бораётганда қўлга тушгандилар. КГБ уларга «Туркияда партизан ҳаракатига ўргатилдик» деб айтасан, деган шарт қўйди ва улар «Бизни Истанбулда қаратэга ўргатишди», деб, қамокдан кутулдилар.

Ҳатто баъзилари милицияга ишга қабул қилинди. 1996 йилда Туркиянинг Миллийатчи ҳаракат Партияси лидери, машҳур сиёсатчи Алпарслон Туркаш Муҳаммад Солиҳни Каримов билан яраштириш ташаббусини кўтарди. Аммо Каримов Туркашнинг хатига «Солиҳ Ўзбекистонга келмоқчи бўлса, ҳокимиятга даъво қилмай келсин», деган мазмунда жавоб ёзди ва диалог эшигини ёпиб қўйди.

1997 йил Муҳаммад Солиҳ Франкфуртдан Истанбулга келди. Истанбулда унинг оиласи

яшарди.

Каримовнинг Анқара сафари олдиан, 1997 йилнинг ноябр ойида Туркия ҳукумати Солиҳни Туркиядан Булғористонга чиқарди. Аммо Солиҳ Софияда бир ой қолиб, яна Истанбулга келди. Ва 1998 йил март ойида Муҳаммад Солиҳ Руминияга сургун қилинди. У ерда бир ойча қолиб, Солиҳ Украина пойтахти Киевга келди. «Рух» ҳаракати лидери Чорновил билан кўришди, ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

1998 йил июл ойида Базел шаҳри мэрияси таклифи билан Швейцария кетди ва у ерда 3 ой давомида «Йўлнома» китобини ёзиб битирди. Сентябрь ойида яна Туркияга қайтди.

1998 йил ноябр ойида Бакуда Абулфайз Элчибей билан учрашди, у ердан Москвага борди. Таниқли сиёсатчи генерал Александр Лебед билан кўришди.

1999 йил 16 февралда Тошкент марказида портлашлар юз берди. Бунда, диний экстремистлар қаторида, Муҳаммад Солиҳ ҳам айбланди. Бу тухматга қарши Солиҳ ўзининг «Ёлғон жодуси» мақоласини ёзди, унда ҳаммадан аввал бу портлашларни ҳукуматнинг ўзи уюштирган бўлиши мумкинлигини тахмин қилди. Кейин шундай бўлиб ҳам чикди.

Муҳаммад Солиҳга қарши кўрсатма берган Зайниддин Асқаров Ички Ишлар Вазири Алматовнинг талаби ва тазйиқи билан «портлашларни Муҳаммад Солиҳ қилган бўлиши мумкин» деб тухмат қилганини тан олди, бунинг учун ўзбек халқидан ва Солиҳдан журналистлар гувоҳлигида узр сўради.

Бу тухматга қарши дунёнинг виждонли зиёлилари очик норозилик билдирдилар. Муҳаммад Солиҳ ҳимоясига ёзилган мактубга Русиянинг жамоат арбобларидан Людмила Алексеева, Белла Ахмадуллина, Елена Боннэр, Лариса Богараз, Сергей Ковалев, Андрей Битов, Фазил Искандер, Константин Боровой, Александр Ткаченколар қаторида жуда кўп депутатлар имзо чекди. Озарбойжондан 12 та сиёсий партия лидери, ораларида Абулфаз Элчибей, Иса Қамбар каби таниқли арбоблар ҳам дунё жамоатчилигига бир мурожаат ёзиб, Солиҳни ҳимоя қилдилар. Украин сиёсатчилар ҳам

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Солиҳни унутмадилар. Верховная Раданинг 36 депутати Муҳаммад Солиҳ сиймосида Ўзбекистонда инсон ҳақлари ва демократияни ҳимоя қилдилар. Мурожатга имзо чекканлар қаторида Қрим турклари лидерлари Мустафо Жамил и Руфат Чубароғлу бор эди. Бу ишда Абдуфаттоҳ Маннопов, Виталий Пономарев каби инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ҳам катта фидоийлик кўрсатдилар.

Портлашлар баҳонасида Ўзбекистон президенти Солиҳнинг 3 та укасини қамоққа ташлади ва улардан иккитаси, мана, 8 йилдир қамоқда азоб чекапти.

1999 йил март ойида БМТ сиёсий мулажазилар Комиссариати қарори бўйича Муҳаммад Солиҳ Норвегиядан сиёсий бошпана олди ва Ослога келди.

1999-2000 йиллар давомида Ўзбекистон ҳукумати Солиҳнинг Ўзбекистонга топширилишини Норвегиядан 3 марта талаб қилди ва рад жавоби олди.

2001 йил декабр ойида «Озодлик» радиоси таклифи билан Прагага келган Муҳаммад Солиҳни паспорт контролида Ўзбекистон ҳукумати талаби асосида ҳибсга олишади. Панкрас турмасида ўтирган Солиҳ дунё жамоатчилигининг мисли қўрилмаган ҳамдардлиги воситасида турмадан озод этилиб, Чехия Президенти Вацлав Хавел тарафидан Президентлик саройида қабул қилинади.

Мажмуа ҳақида («Вал-Фажр» тўплами назарда тутилмоқда)

Муҳаммад Солиҳнинг бу мажмуада тўпланган асарларини Куллиёт деб атадик, аммо бу қандайдир маънода нисбий атама. Бу нашр Муҳаммад Солиҳнинг 1966 йилдан бери ёзган асарларининг ҳаммасини ўзида мужассамлантирмаган. Мажмуа ватандан узоқда тартиблани ва асосан интернет дунёсида мавжуд бўлган ва китобларда сақланган матнларгина Куллиётга кирди.

Шеърларга келсак, бу мажмуада босилаётган асарлар, муаллифнинг фикрига кўра, унинг ёзган бутун асарларидир. Муҳаммад Солиҳ анчагина шеърдан воз кечди, уларни бу мажмуага киритмади.

Нима бўлганда ҳам, Муҳаммад Солиҳ асарларининг бу шаклда тўпли чиқиши, назаримизда, ўзбек адабиётида жиддий воқеадир. Куллиётни нашр қилишда меҳнати сингган барча



дўстларга миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Муҳаммад Солиҳ 1975 йилда ёзган «Сўнги имкон» деган шеърида шундай ёзганди:

*Гоҳо қувонч кирар юракка:
Менда ахир имкон бор ҳали
Шеър — севги деб алдамасликка
Озодликни севган инсонни!
Бисотимда имкон бор, ахир
Қаламни синдириш имкони!*

**(«Бешинчи фасл», 1977,
Тошкент, Фафур Ғулом
нашриёти)**

Бу олти сатр унинг ҳаёт дастури бўлажagini ҳеч ким тасаввур қилмаганди. Шоирнинг озодлик ғояси учун қаламини синдириши мумкинлиги ташбиҳ эди. Лекин кейинроқ бунинг ундай бўлмагани маълум бўлди. Муҳаммад Солиҳ 80-йиллар ўрталаридан бошлаб, Ватанининг мустақиллиги йўлида шеърятни бир чеккага суриб, ҳамма тушунадиган тилда мақолалар ёза бошлади.

У «Сўнги имкон» шеърида берган сўзига содиқ қолиб, жондан севгани озодлик учун 1980 йилларда бошлаган мурасасиз курашини давом эттирмакда.

П/К.

Мазкур мақола 2005 йил ёзилган ва шоирнинг «Вал-Фажр» тўплами сўзбошиси ўлароқ чоп бўлган. Яъни тарихан 11 йил олдинги мақолани ўқидингиз.

Бу ораликда Муҳаммад Солиҳ бир лаҳза ҳам ўз олдига қўйган мақсаддан чекинмади. У Каримов режимига қарши бўлган муҳолифат кучларни ўзида бирлаштирган Ўзбекистон Халқ ҳаракатига асос солди, унга Раис этиб сайланди. Унинг раҳбарлигида Ҳаракат бугунги кунда фаол иш олиб бормоқда, Ҳаракатнинг аъзолари

Ўзбекистон ва хорижда кундан кун кўпаймоқда.

Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг uzxalqharakati.com сайти ўзбек тилида иш олиб борадиган сайтлар ичида ўзининг энг кўп муштарийсига эгадир. Гарчи ЎХХ бугун Республика ичида террористик деб эълон қилинган ва фаолияти, сайти тақиқланган бўлса-да, кундан кун кўплаб ўқувчиларни, хусусан, ёшларни ўзига жалб қиляпти.

Мақсадга эришмоқнинг шарты — сабр. Узоқ босилган йўлдан сўнг манзилга етиб борилади.

Муҳаммад Солиҳ ва унга сафдош, издош бўлганлар жуда олис йўлни босиб келишяпти. Улар жуда кўп имтиҳон ва синовларга дучор бўлдилар. Улар юрт эрки йўлида бошларини қиличга тутиб берганларида бошқалар жимгина томошабин бўлишдан нарига ўта олмадилар. Айни пайтда ҳам Ўзбекистонда нима учун умрбод юрт эрки учун курашган инсон халқ душмани бўлиши мумкин деган саволни берадиган бир мард топилмайди.

Имтиҳонлар, Оллоҳнинг синовлари мусулмонни ўз йўлида қатъийроқ туриши учун куч беради.

Бугун Ўзбекистонда ҳукм сураётган зolim режимнинг умри, албатта, битажак. Бу жуда яқин қолди, иншаОллоҳ.

Томчи тошни тешади. Бугун ЎХХнинг фаолияти кимлар учун томчилаб турган сувни эслатар. Бу томчилар селга айланиб Каримов режимини оқизиб кета олади.

Бугун Ўзбекистон Халқ ҳаракати базасида улкан ахборот материаллари жамланмоқда. Республика ичида бирор киши юрак ютиб халқнинг асл ҳолатини ёритиб беришга журъат қилмагани шароитида Халқ ҳаракати ихтиёрида оддий одамларнинг оху дардларини ўзида жамлаган ҳужжатлар йиғилмоқда. Бу ҳужжатлар бир куни келиб чинакам тарихни англашда, ўзбек миллиятининг ўзлиг қайтадан уйғонишида, шубҳасиз, хизмат қилажак, иншаОллоҳ.

Бу хайрли ишларнинг бошида эса, истасалар-да, истамасалар-да, бугун юртдан қувғинлик юрган, маломат тошлари ёғдирилган, аммо қаддин ҳеч қачон букмаган шахс — Муҳаммад Солиҳ турибди.

**Мақолани Абдуллох Нусрат
тайёрлади.**

Манба: Facebook.com



келмасликка ҳаракат қиларди.

Жамила опанинг ташаббуслари билан 20 март куни ишхонамизда Наврўз дастурхони ёзилди. Ўшанда Тошкент худди бугунгидек совуқ ва ёмғирли об ҳаво ҳукмида эди. Ўтирганлардан кимдир: “Эртага ҳам ёмғир ёғса, байрам нима бўларкан?!”, деди.

Наврўз қайғуси, ёхуд «бизим ҳукумат Аллоҳнинг ишларига аралашмайди»

Бугун бир танишим Тошкентда об-ҳавонинг совиб кетиб, ёмғир ёға бошлагани муносабати билан қайғули фикр билдирди. “Интернет хабарларига кўра, ёғётган ёмғир ҳафта ўртасида қорга айланар экан. Энди Наврўз байрамини нишонлаш қандай бўларкан? Ишқилиб, байрам куни об-ҳаво очилиб кетсин-да!”, деди. Танишимнинг Наврўз қайғуси бундан 17 йил олдин содир бўлган бир кулгили воқеани эсимга тушириб юборди.

Ўшанда мен Ўзбекистон-Туркия ишбилармонлари уюшмаси (“УТИД”) да таржимон бўлиб ишлар эдим. Кассиримиз туркиялик Али Бадем (Ali Vadem) деган киши бўлиб, Ўзбекистонга келгунча ўз юртида саккиз йиллик ўрта мактабни битириб, кейинчалик товук фермасида ишлаб, ота-онасини ва укаларини боқиш билан банд бўлган.

Ташкилотимиз Бош директорининг ўринбосари Жамила опа ҳамюртимиз бўлиб, фалсафа фанлари номзоди эдилар. Опа собиқ иттифок пайтида КПССнинг Тошкент олий партия мактабида доцент бўлиб ишлаганлар.

Мана шундай обрўли Жамила опа ўрта мактабни саккиз синфини битирган киши, яъни Али Бадемнинг қўлидан маош олаётганини ҳеч ҳазм қила олмасдилар. Али Бадемни кўриши биланоқ муҳтарам опамиз: “Товук фермасидан чиққан бир чорвадорнинг қўлидан маош олишим етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Эҳ, қандай замонларга қолдик-а?!”, деб қўярдилар.

Бечора Али бей ҳижолат бўлиб, дарров ўз кабинетига кириб кетарди. Ҳеч нима демас эди. Иложи борича опа билан тўқнаш

Қайғу тўла бу саволни эшитиши биланоқ Жамила опамиз гап бошладилар: “Хавотирга ўрин йўқ! Бизнинг ҳукумат ҳарбий учоқлар ёрдамида булутларни зарядлаб, пойтахтимиз устидан ҳайдайди. Байрам куни ҳаво очилиб кетади”, дедилар.

Кейин муҳтарам опамизнинг ўткир нигоҳлари овқатланиб ўтирган Алибейга тушди. Туркиялик кассиримизни яна калака қилмоқчи эдиларми ёки бошқа сабабми, ишқилиб, Жамила опа: “Алибей, Сизнинг ҳам ҳукумат Туркиядаги муҳим давлат байрамлари пайтида булутларни ҳайдайдимми?”, деб, сўрадилар.

Али бей нигоҳларини овқатдан узмасдан: “Йўқ, ЖАМИЛА ОПА! “БИЗИМ ҲУКУМАТ АЛЛОҲНИНГ ИШЛАРИГА АРАЛАШМАЙДИ”, деб, ҳаммани кулдирган эди.

Ҳа, Туркияда «ўрта мактабнинг саккиз синфини аранг битириб, товук фермасида ишлаган саводсиз» кассиримиз доцент опамизни ана шундай тарзда мот қилганди.

Наврўзни нишонлаш қайғуси билан яшаётган танишимнинг бугунги сўзлари ана шу воқеани эсимга тушириб юборди.

Мен ҳам танишимни Жамила опанинг: «Хавотирга ўрин йўқ! Бизнинг ҳукумат ҳарбий учоқлар ёрдамида булутларни зарядлаб, пойтахтимиз устидан ҳайдайди. Байрам куни ҳаво очилиб кетади», деган сўзлари билан тинчлангирдим.

Лекин танишим менга: «Ахир, булутларни ҳайдаш Аллоҳнинг ишларига аралашин-ку!», демади. Чунки танишим ҳам Жамила опа сингари фан номзоди-да!

Бобомурод АБДУЛЛА
Манба: Facebook.com

Ватаннинг асл иқтидорлилари нега доим Ватанни тарк этишга мажбур?

Ассалому алайкум, Озодлик радиоси.

Сизларга бу хатни ёзишимга бугун sayuod.com сайтида эълон қилинган видео сабаб бўлди. Видеода Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов, Мирза Азизов ва бошқа халқ зиёлилари қатнашишган ва бу мажлисдан мақсад бугунги кунда ўзбек ёшларининг ИШИД сафларига қўшилиб кетишининг олдини олиш, уларга тўғри йўлни кўрсатишдан иборат.

Менинг диққатимни тортган нарса бу Теша аканинг бир куйиниб, бир актёрлик маҳорати билан гурурга тўлиб қилган нутқи бўлди. Теша ака ўз нутқларида Ислом дини ҳақида ва Ўзбекистондан етишиб чиққан уламолар ҳақида гапириб туриб, қутилмаганда бу инсонларнинг ўз ватанларига сиғмаганликларини ва қувғин қилиниб, бошқа юртларда хору-зор булиб яшаганини ва ўша ерларда ҳам ижод қилиб, Ўзбекистон халқига муносиб бўлишганлигини гапирди.

Бу инсонлар сафи ҳақиқатда жуда узун — Имом Ал-Бухорий, Фарғоний, Ибн Сино, Бобур, Беруний, Имом Мотурудий ҳазратлари ва бошқалардир. Шу гапларни эшита туриб, битта савол туғилади — шундай буюк алломаларимизни сургун қилиб, бадарга қилиб, нега бугун уларнинг номлари билан мақтанамиз, кўкрак керамиз?

Майли, бу ишлар қадимда, қачонлардир бўлгандир, аммо бугунги кунимизга бир қаранг — бу қорга анъана бугун ҳам давом этмаяптими? Ўзбек халқининг қанчадан-қанча иқтидорлилари четда юрибди, шахсан мен биладиганим қанча...

Ўйлайсизки, “улар пул учун юрибди” деб, йўқ, адашасиз, улар Ўзбекистондаги бугунги шарт-шароитдан безиб, ўша ерларда юрибди. Иш тополмаган, пропискаси йўқ, милиция таъқиби ва таъмагирлиги бор ёки оддий мусулмончилигини қилиб, икки ракаат намоз ўқишга қўрқадиган мамлакатда қандай қилиб яшасин

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бу бечора?.. Теша ака ўз нутқида жуда чиройли актёрларча маҳорат билан Ислон дини, пайғамбаримиз ҳақида жуда кўп гапирдилар, аммо бугунги Ўзбекистонда туб, мусулмон бўлган аҳолининг нимага очикча “намоз ўқийман”

Ўтган мақолаларимизда ҳам таъкидлаган эдикки, сиёсат тушунчаси Ўзбекистонда ёлфончилик ҳамда одамларни кўрқитиб ушлаб турадиган восита деб қабул қилинган. Яна айтишларича, сиёсат фақат мансабдорларнинг иши бўлиб, унга ҳеч ким аралаша олмайди. Айниқса, давлатнинг ишига аралашуш – жинойятдир.

Ўзбекистон аҳолисининг ўйлашича, сиёсат – бу Каримов, давлат – бу Каримов. Унинг айтганига қарши чиқиш – Худонинг амрига қарши чиқиш. Мамлакатда бирор одам юрак ютиб Каримовнинг бошқаруви ҳақида фикр юрита олмайди, фикр юритса, буни баён қила олмайди, баён қилса, ўзини қамоқхонада – огоҳлантирув камерасида кўради.

Кўпчилик сиёсатни тушунмайман деган гап билан сувдан қуруқ чиқади. Ҳа, энди, сиёсат шунақа, биз тушунмаймиз дейишади. Шу билан улар ўзларининг ўта хавфсиз ва силлиқ одам эканларини тан олишади ва зулмдан қутулишади.

Гапни бироз узокдан бошлаймиз. Сиёсат ҳақида минглаб олимлар минглаб таърифларни айтишган. Уларнинг аксари бир-бирини такрорлайди. Умумий хулоса шуки, халқнинг, ундаги ижтимоий гуруҳларнинг – одамларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турадиган идораларнинг тизими давлат дейилади. Давлат идораларида ўтириб, одамларнинг муаммоларини ҳал қилиб бериш, асосан, мантиқ ва фикрлашга асосланган фаолият сиёсатдир. Яна ҳам соддалаштирсак, давлатни бошқариш – сиёсатдир. Сиёсатчи кетмон билан ер чопмайди, бизиз ва ип билан этик тикмайди, ямоқларни ямамайди, девор сувамайди, далада экинларга сув тарамайди, мол боқиб, гўнг ташимайди – у эрталаб идорага келади, ўз қўл остидагиларга буйруқ беради, ўзидан юқори амалдорнинг буйруғини олади, керак бўлса, маслаҳатлашади, қарор чиқаради, бу қарорларини газета-журналларда чоп этади, қисқаси, фақат фикр ва сўз билан ишлайди. Фикрлагани ва эрталабдан кечгача

дея олмаслигию, ёшларнинг намоз ўқишига тўсқинлик қилинаётгани ва таъкибга учраётганлиги тўғрисида лом-мим демади.

Айтмоқчи булганим, бугунда ҳам Ўзбекистон халқининг жуда иқтидорли, ўқимишли фарзандлари четда юришибди. Агар улар бугунда Ватанда бўлиб, муносиб

жойларда ишлаганларида эди, уларнинг Ватанга қанчадан-қанча фойдаси теккан бўларди.

Афсус, Теша ака айтганларидек, қадимдаги анъана бугун ҳам ўз кучида, Ватаннинг асл фарзандлар кетишга, мусофирчиликда истиқомат қилишга мажбур.

Манба: «Озодлик» радиоси

**Бирлашмайсанми?**

жавраб юргани учун пул олиб, оиласини боқади.

Кетмон билан ер чопадиган деҳқон, этик тикадиган косиб, мол боқадиган подачи эса бу гапдонларнинг буйруқларини бажаради, шуларнинг ишлаб чиққан йўриқларига қараб ҳаракатланади, агар сиёсатчи нотўғри фикрлаб, нотўғри қарорлар чиқариб ишни пачава қилса, марҳамат қилиб ўз ўрнини тарқ этиши лозим. Энди унинг ўрнига бошқаси келиши ва унинг хатоларини ислоҳ қилиб, одамларнинг ўзаро муносабатларини мослаштириб туриши керак. Бордию, сиёсатчи ўз ишини дабдала қилса, буни ўзи билмас. Билса ҳам, тан олмас. Тан олса ҳам, хатосини тузатмаса. Хатоингни тузатгин деган одамларни душман ҳисоблаб, ўлдирса. Сиёсатчининг иши расво бўлсаю, аммо ҳамма одамларга зўр деб айттирса, шундай деб айтмаган одамларни эса оттирса!

Тасаввур қиялпсизми? Тасаввур қилиш осон, албатта. Чунки Сиз Ўзбекистонда бўлсангиз, бундан бешбаттарини ҳам кўриб турибсиз.

Ўзбекистонда раҳбарлар ва уларнинг қўлостигадагидимларнинг кайфияти ва характери умумий, яъни куйидагича: ўта дангаса ва ялқов, улар учун ўзидан юқоридаги мансабдорга мақбул келиш муҳим. Ўзбекистонда бирор раҳбар мустақил қарор чиқара олмайди. Ва яна шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда давлат

тизимда ишлайдиган бирор раҳбар ўз жамоасини ривожлантириш, ютуқларга эришиш ҳақида умуман ўйламайди. У қисқа муддатли фаолиятида етарлича маблағ жамғариш ва шефларнинг думини босиб олмаслик учун тиришади.

Раҳбарнинг ҳар қандай амри бажарилиши лозим, у тўғри ё нотўғрилиги, ҳақ ёки ноҳақлиги фикр қилинмайди.

Раҳбарга қарши чиққан одам ким бўлишидан қатъий назар душман саналади ва ишхонадан, албатта, қувиб чиқарилади. Бу ҳам етмагандек, бу “душман” борадиган бошқа идораларга уни ишга олмаслик ҳақида тавсиялар юборилади.

Мамлакат бошқарувида муҳолифат бўлмаганидек, бирор давлат идорасида ҳам муҳолифат йўқ. Агар “муҳолифат” бўлса, бу муҳолифат фақат шахсий манфаатлар учун курашади. Жамоанинг манфаатлари эса ҳимоя қилинмайди.

Ўзбекистонда бирор жамоа ёки маҳалла, қишлоқ бир одамни ҳимоя қилиб бирлаша олмайди. Агар бир одам бутун умрини бир соҳага бағишлаб хизмат қилиб келсаю, уни ишдан кетказиш керак бўлса, гарчи у ҳамон сидқидилдан хизмат қилаётган бўлса, албатта, ишдан кетади, уни ҳеч ким ҳимоя қилмайди.

Ўзбек халқи бугун ҳам бирлаша олмаяпти. Ўзбек халқи бугун ҳам бир-бирининг ўлими устидан томошабин бўлиб турибди. Очик ноҳақликларга юрак бетлаб қарши чиқадиган киши йўқ. Чунки унинг ортидан бирлашадиган куч – халқ йўқ. Балки фақат қорин ва жонини ўйлайдиган оломон бор, холос.

Нима учун?

Чунки унинг бошида турган раҳбар – Ислон Каримов ва унинг қўл остидагилар учун бу керак эмас. Ислон Каримов тизими иложиборича одамларнинг бирлашмаслиги учун курашади. Улар мамлакат таназзули эмас, балки мамлакат таназзули, халқнинг тушкунлиги учун ҳаракат қиладилар. Зотан, халқ ўзини таниб қолса, ҳеч қачон бу золим режимга бош эгмас эди.

Абдуллоҳ Нусрат



Давлат резиденциясида 32 нафар прокуратура ва МХХ ходимлари фоҳишалар билан қўлга олинган

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Тошкентдаги қаттиқ қўриқладиган давлат резиденцияси ҳудудида фаҳш билан шуғулланган прокуратура, МХХ ва бошқа тузилмалар ходимлари қўлга олинган. Ички ишлар вазирлигига яқин жойлашган «Туркистон» (собик «Шелковичная») мажмуасига Миллий Хавфсизлик Хизмати уюштирган махсус рейд натижасида жами 32 киши ушланган. Мазкур рейд МХХ раҳбарияти тарафидан президент маъмурияти бошлиғи Зелимхон Ҳайдаровга қарши ҳаракат, дея айтилмоқда.

Махсус амалиёт натижасида Тошкент марказида, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ҳамда президентнинг Оқсарой қароргоҳига яқин жойлашган мажмуа ҳудудидаги коттежларда фоҳишалар билан айшу ишрат қилаётган прокуратура, МХХ ва бошқа идоралар ходимлари қўлга олинган. Жами қўлга олинган 32 киши Ички ишлар вазирлигига олиб борилган.

Нишон Зелимхон Ҳайдаров
Хабарларга кўра Оқсарой қароргоҳига яқин жойлашган мазкур мажмуанинг президент маъмурияти раҳбари Зелимхон Ҳайдаров ваколатлари доирасида экани инobatга олинса, никобли гуруҳ ёрдамида амалга оширилган махсус амалиётнинг асл нишони ҳам президентнинг кўп йиллик сафдоши бўлиши мумкинлигига шама ҳам қилинади.

Манбалардан бирининг хабар беришича, шанбага ўтар кечаси Тошкентнинг Юнус Ражабий кўчасида жойлашган «Туркистон» давлат резиденцияси ҳудудида рейд амалга оширилганини тасдиқлади. Бу манба ҳам амалиётдан асл мақсад «Зелимхоннинг мавқеига зарба бериш» бўлган, дея иддао қилди.

«Зелимхон Ҳайдаров билан МХХ раиси Рустам Иноятовнинг муносабатлари эскирдан яхши бўлмаган. Лекин, айниқса, сўнгги бир йил ичида иккаласи қирпичоқ бўлишяпти. Улар бир неча масалада

чиқиша олмаган. Энг сўнгги зиддият кадрлар масаласида чиқди. Ўтган йили Зелимхон ўз одамини юқори амалга т а й и н л а т м о қ ч и бўлганида, Иноятов қайтариб юборган. Зелимхон ҳам бўш келмасдан, жуда

нуфузли канали орқали Иноятовга босим ўтказиб, ўз одамнинг юқори лавозимга тайинланишига эришди. Шундан кейин иккаласининг ўртасида қарама-қаршилиқ янада кескинлашди.

«Туркистон»да бундай айшу ишратлар доим бўлиб келган, ўзи МХХчиларнинг паккасику бу резиденция. Шу пайтгача ҳеч ким индамасдан келди, бирданига кимгадир керак бўлиб қолди бу нараса. Чунки резиденция Зелимхоннинг ваколатида», дейди манба.

Коттежлардан бирида уй қамоғидаги Гулнора сақланмоқда

Зелимхон Ҳайдаров билан Рустам Иноятов ўртасида зиддият кучайгани тўғрисидаги иддаоларни бошқа бир манба ҳам тасдиқлади. Ўзбекистон куч ишлатар идораларидаги бу манба баланд девор билан ўралган «Туркистон» давлат резиденцияси ҳудудида уй қамоғига олинган юқори даражали собиқ амалдорларни сақлаш учун махсус коттежлар қурилгани тўғрисидаги иддаоларни тасдиқлади.

«Бу коттежлардан бирида икки йилдан бери президентнинг қизи Гулнора Каримова сақланмоқда. Яқингача МХХ раисининг собиқ биринчи ўринбосари Ҳаёт Шарифхўжаевнинг манзили ҳам шу коттежлардан бири эди», дейди манба.

Қаттиқ қўриқладиган давлат резиденцияси ҳудудида «гуруҳли фаҳшбозлик»нинг аниқлангани Зелимхон Ҳайдаровнинг ўз лавозимидан кетишига олиб келмаса-да, унинг мавқеига, қолаверса ҳокимиятнинг турли қатламларидаги одамларига жиддий путур етказишига олиб келишини тахмин қилинмоқда.

70 ёшли Зелимхон Ҳайдаров собиқ совет даврида Ўзбекистон ССР Компартияси аппаратида Ислон Каримов билан бирга ишлаган ва иккаласи ўртасидаги муносабатлар бир неча ўн йиллик тарихга эга.

1993 йилда Ўзбекистон президенти маъмурияти бошлиғи этиб тайинланган Ҳайдаров орадан ўтган 23 йил ичида мамлакатдаги энг нуфузли шахслардан бирига айлангани айтилади.

ЎХХ хабарлар бўлими



Мусулмонлар ҳақидаги ахборотларни ва уларга етаётган мусибатларни ташвиш ила кузатиб борар эдим. Бирдан ўзимга ўзим мусулмонларга ёрдам кўрсатмаётганлигинг учун сен эмасмикансан сабаб. Балки бу балоларнинг ҳаммасига асосий айбдор сендирсан деб сўзлаб қолдим. Кейин айтдим: Йўқ, мен бир заиф банда бўлсам, на салтанатим бор ва на қувватим бор, агар мусулмонларга буюрсам, улар менга бўйинсунмайдилар. Насиҳат қилсам насиҳатимга қулоқ тутмайдилар.

Нафсим шошиб айтди: Балки, кеча-ю кундуз тинмай чап томонингдаги фаришта ёзаётган гуноҳ ва маъсиятларинг, фарз амалларга бепарво бўлишинг, ҳаром ишларга ҳарислигинг сабаб эмасми?

Мен унга нима қилдим ўзи? нусрат кечикгани учун мени маломат қиласан.

У айтди: Эй Аллоҳнинг бандаси, агар сенинг ҳозирги қилаётган ишларингни ҳисоб қилишга ўтирсам узоқ вақт сарф қилиш керак бўлади. Аввало сен бомдодни жамоат билан ўқийсанми?

Мен баъзан жамоат билан ўқийман, баъзан йўқ дедим.

У деди: Бунинг ўзи айнан қарама қаршилиқдир. Душманларга қарши жиҳод қилишга қодирман деб қандай даъво қила оласан. Нафсингга қарши курашда энгилиб ётибсанку! Балки жуда ҳам энгил ишда, яъни қон тўкиш, ҳам мол сарф қилиш ҳам сендан талаб қилинмайдиган, ўн дақиқалар асносида адо қилинадиган фарз намозни уддасидан чиқа олмаяпсанку! Қандай қилиб энди жиҳодга қадам кўяр эдинг, ваҳоланки сен фарз намозларда бепарво бўлиб, суннатларни тарк қилиб юрибсан. Қуръондан ҳар кунги вазифангни ўқимай, тонги ва кечки зикрлардан узоқдасан. Кўзингни ҳаромдан сақламай, ота-онага яхшилик қилиш, қариндош-уруғчилик алоқаларини тиклашни бажармаяпсан.

Нафсим яна сўзини давом эттириб, қандай қилиб ватанингда ислом шариатини ҳоким қилишни истайсан. Ҳали шариатни ўзингда ва оила аъзоларинг орасида ҳоким қилмадингку! Аллоҳдан тақво қилмасанг, оила аъзоларингни ҳам ҳидояга бошламасанг, уларга ҳалол овқат едириш ҳақида ўйламасанг, Аллоҳ айтгандек, мол-дунёни қаттиқ суйсанг, ёлғончилик,

кўзбўямачилик қилиб, берган ваъдаларингга хилоф қилсанг...

Мен айтдимки: Бу ишларнинг нусратни кечикиб кетишига нима алоқаси бор? Бир миллиарддан кўпроқ мусулмонларнинг иши бир кишининг дангасалигига қараб қолганми?

У айтди: Ох, Ох, Ох, дунёдаги



Нусратни кечиктираётган сенсан

миллионлаб одамлар сен кабида! Мустаснолар жуда камдир. Ҳаммалари сен юрган йўлдан юрадилар. Тоатга аҳамият бермай, маъсиятдан кўркмайдилар. Ва яна булар барчалари нусратни хоҳлайдилар. Тўғри, уммат ичида пок валийлар, тақводорлар бор, лекин умматнинг ҳаммаси бу ишда тенг шерикдир. Фақатгина Аллоҳ ўзи асраган кимсалар бундан мустаснодирлар. Эй Аллоҳнинг бандаси, билмайсанми, саҳобалар ҳам нусратни тезроқ келишини кутган эдилар. Нусрат келмаган эди. Шунда улар аскарлар ичида гуноҳкор бандалар борлигини сезган эдилар. Умматнинг ичида не, не катга-ю кичик гуноҳлар қилинади. Бизлар уларни сезиш у ёқда турсин биламиз, кўрамиз, Ер курраси осий бандаларга тўлдиду! Фасод зоҳир ва ошқор бўлди. Қандай нусрат келсин бу умматга?

Шундан сўнг, кўзимдан ёшлар икки яноғимга тома бошлади. Бирор марта ҳам мен нусрат кечикаётганига сабаб эканлигим ҳақида ўйламаган эканман. Во ажабо яна мен ўзимни Аллоҳ ва унинг Росули ҳамда шариатига муҳаббат қиладиган эркак деб ҳисоб қилар эканман. Демак мен кўпгина мусулмон диёрлардаги покиза бегуноҳ биродарларимнинг қонларини тўкилишида улушдор эканман.

Ҳокимларга, амирларга ва вазиру масъулларга маломат қилишни жуда энгил иш деб билар эдим. Лекин ўзим ҳақимда ҳеч ўйламаган эканман. Субҳаналлоҳ! Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмайди. деган Аллоҳнинг оятини тадаббур қилмаган эканман.

Нафсимга айтдимки: Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, менга ўзимни маломат қиладиган нафс ато этибди. Аллоҳ бундай нафсга Қуръон каримда қасам ичган эди. Нима қилай? энди эй нафсим!

У айтди: Ўзингдан бошла,

фарзларга эътибор қил. Беш вақт намозни ўз вақтида ўқи, закотни ҳақли инсонларга бер, ота-онага оқ бўлишдан эҳтиёт бўл, уларни ранжитма. Аллоҳга суннат ва нафл ибодатлар қилиб яқин бўл. Аллоҳга яқин қилгувчи фурсатни қўлдан бой берма, гарчи у амал кичик бўлсада. Биродарингни юзига табассум билан боқишни унитма. Бир ишдан қайтариб ўзинг унга қўл урма. Ўзинг амалларингда, уйингда ва оила аъзоларинг ичида шариатни тадбиқ қилмай туриб, ўзгалардан шариатни татбиқ қилишни талаб қилма. Агар нафсинг билан жангда мағлуб бўлсанг, жиҳод байроғини кўтаришга уринма. Масъулиятдан бош тортиб, маломатни бошқаларга юклама. Балки ўзингни ислоҳ қилиш учун тириш, шунда ўзгалар ҳам сенга эргашади. Ҳамма ишда ўрناق бўл.

Одамларнинг айбларини текшириш ўрнига, ўзингнинг айбларинга боқ. Шундан кейин, Аллоҳга ишонч ила нусратни ундан тиласанг, Аллоҳ сен ва сенга ўхшаган ва сенинг йўлингдан юрганларга нусратини инъом қилади. Аллоҳ Қуръон каримда: агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангиз У зот ҳам сизларга ёрдам беради ва қадамларингизни собит-барқарор қилади: деган эди. Билгинки, сен қилаётган барча гуноҳ ва қўлдан бой бераётган ҳар бир тоат-ибодат фурсати, бегуноҳ мусулмон биродарларингни озодлиги учун кураш даъвосига зиддир.

Кейин эса мен бошимни кўтардим. Аллоҳга ўтмишда қилган гуноҳларим учун тавба қилдим. Юзимдан кўз ёшларимни артдим.

Ва эй Роббим бу менинг тавбам. Мен сенга қайтаман. Ҳаётимни қайтадан бошлайман дедим.

Сўнг кечаси икки ракаат намоз ўқишдан бошладим. Аллоҳдан бу икки неъматини давомий қилишини сўрайман ва ёшларимизни ва жамаки инсонларни Раҳмоннинг динига даъват этаман.

Манба: www.islom.biz

25 йил бурун Кремл тарафдори Каримов сўнгги бор СССРни сақлаб қолишга уринган эди

1991 йилнинг 17 мартида Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзкомпартия СССРни сақлаш учун 93.7 фоиз овоз ташкил қилиб берган эди.

Референдумга оид ҳужжатларда (Грузия, Эстония, Латвия, Литва, Молдавия ва



бу мақолаларда ўзбекларнинг СССРни сақлаш учун “бир тану бир жон бўлиб овоз бергани” “мамнуният билан” қайд қилинади.

“Халқ сўзи” мухбири Ўзкомпартия мулозими Дилмурод Махмудовдан иктибос келтириб, референдум арафасида Республика раҳбарияти СССРни сақлаб қолиш учун улкан тарғибот ишлари олиб борганлигини таъкидлайди.

ВАҚТ МАШИНАСИ: СССРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ РЕФЕРЕНДУМИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАЙБАРАКАЛЛАСИ

Арманистондан ташқари) бутун Иттифоқ бўйлаб жами 80 фоиз, Ўзбекистондан эса 95,4 фоиз сайловчи иштирок этгани идао этилади.

Каримов мафқураси тўқиган икки афсона

Кўлимизда 1991 йил 16 ва 17 мартда чоп қилинган “Халқ сўзи” газетаси. Орадан 25 йил ўтиб газетанинг сарғайган саҳифаларини варақлар эканмиз, сўнгги йилларда Каримов мафқураси тўқиган икки афсонанинг йўққа чиққанлигини кўрамиз.

Булардан бири ўзбек номенклатураси ва унинг бошида турган Каримовнинг “мустақиллик учун курашгани” ҳақидаги афсона бўлса, яна бири мустақилликдан олдин “Наврўз тақиқлангани” ҳақидаги идао.

Бундан 25 йил олдин чоп қилинган “Халқ сўзи” газетасида икки мавзу тилга олинади. Булардан бири “Буюк СССРни сақлаб қолиш” ва иккинчиси “Ўзбекистондаги Наврўз шукухи” Халқ сўзи газетасининг 16 март шанба куни чоп қилинган 54 сонининг биринчи варағида “Буюк Иттифоқ давлатимизни сақлаб қолайлик” деган бош мақолага кўзимиз тушади.

Газета манжетида эса “Эртага фуқаролик бурчимизни бажарамиз. Лотинчада referendum ўзбекчада дил изҳори” деган шиор ўрин олган. Саҳифанинг ўнг тарафида “Ўзбекистон ССР билан Қирғизистон ССР ўртасида дўстлик” ҳақидаги шартнома матни берилган. Саҳифанинг қолган

ярми эса. “Наврўз нафаси” ва “Андижоннинг вилоят бўлганига 50 йил тўлгани” ҳақидаги мақоладан иборат.

“Бир тану, бир жон бўлиб...”

Газетанинг 16 март кунги сони “Ўзбекларни СССРни сақлаб қолиш референдумида “ха” деб овоз беришга” тарғиб қилади.

17 март кунги сони эса бу “тарғибот меваси” сифатида кўринади. Обуначига 3 совет тийини (уч кути гугурт нархи), дўкундан сотиб олиш учун эса 18 совет тийини дея нархланган “Халқ сўзи”нинг 17 март сони “Такдир чегараси” ва “СССР президенти овоз беради” деган мақолалар туркуми билан очилади.

Овоз бераётган хушнуд ўзбеклар суратлари илова қилинган

Мақолаларда оддий халқ вакилларининг “СССРни қандай севишлари” ҳақидаги “инсоний ҳикояларга ҳам кенг ўрин берилади. “Бўлингани бўри ер, айрилгани айиқ ер” каби шаклан миллий, мазмунан социалистик мақолу маталларга ўрин берилади.

Мақолалардан бирида тўшакка миҳлиниб касал ётган ўзбек кампирнинг СССРни сақлаш учун овозини қай тарзда бергани ҳиссий ҳикоя қилинади.

Газетанинг охириги саҳифасида Ўзбекистон ССР округларидаги референдум натижалари эълон қилинган, бу маълумотларга кўра ўзбек сайловчиларнинг 93.7 фоизи “СССРни сақлаб қолиш учун овоз берган.

«Эрк» партияси СССРга қарши овоз беришга чақирган

1991 йил баҳорида бўлган референдумни бойкот қилиш борасида Ўзбекистон «Эрк» демократик партияси қатор тадбир ўтказган эди.

Eltuz.com тасарруфидаги маълумотларга кўра, 1991 йил Ўзбекистон парламентида озчиликни ташкил қилган “Эрк” демократик партияси референдумда СССРга қарши овоз беришга чақирган.

“Эрк” демократик партияси СССРга қарши варақа чоп қилиб аҳоли ўртасида тарқатган.

1991 йилнинг 15 мартда Урганч автовокзалида СССР референдумига қарши Эрк варақасини тарқатаётган махсус математика мактаби ўқитувчиси

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Гулнора Қўшбоева милиция ва КГБ зобитлари тарафидан қўлга олиниб варакалар мусодара қилингани ҳақидаги протокол Eltuz.com да мавжуд.

Бу протоколга кўра Гулнора Қўшбоевани СССРга қарши тарғибот юритди, деб қамаб қўйилган.

«Бирлик» ҳаракати ва диний идора СССР тарафдори

Ўзбекистон «Бирлик» халқ ҳаракатининг референдум масаласидаги нуқтаи назари «Олдин демократия, кейин мустақиллик» деган тезисда ифода топган эди.

Марҳум муфти Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф бошчилигидаги Ўрта осие мусулмонлар идораси (САДУМ) СССРни сақлаб қолиш ташаббусчиси яъни Кремл тарафида бўлган.

Бу референдумдан бир йил олдин Ўзбекистон парламенти депутатлари давлат мустақиллиги декларациясини қабул қилган эди.

Шунга қарамадан ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси биринчи котиби Ислоҳ Каримов бу

референдумни ўтказишнинг фаол ташаббускори бўлди.

1991 йилнинг 17 мартда Ўзбекистон СССРнинг референдумда қатнашган фуқароларидан 93,7 фоизи «СССР қолсин», деб овоз берди.

Олти давлат бош тортган референдумда Ўзбекистон ҳукумати «пешқадам» бўлди

Эслагиб ўтамиз Горбачев ҳуррияти меваси ўлароқ «мустақиллик парадлари» ортидан ўтказилган СССРни сақлаб қолиш референдумида Болтиқбўйи республикалари қатнашишдан бош тортган эди.

СССР Марказий сайлов комиссияси эълон қилган референдум натижаларига кўра, сайловда қатнашганларнинг 76,4% фоизи Совет Иттифоқи сақланиб қолиниши учун овоз берди, олти иттифокдош республика (Литва, Эстония, Латвия, Грузия, Молдавия, Арманистон) бу референдумда қатнашмади.

Бу республикалар ўз парламентлари тарафидан мустақиллик баённомаси эълон қилганини сабаб қилиб бу референдумни бойкот қилишди.

Референдумда энг кўп овоз беришда ўзбекистонликлар фақат Туркменистондан орқада қолишди, холос.

Ўшанда Туркменистон ССР фуқаролари 97,9 фоиз овоз бериб, СССР тарафдорлиги бўйича рекорд кўйишди.

Аммо орадан тўрт ой ўтиб Совет Иттифоқи кулади. Ўзбекистон парламенти 1991 йил 31 августда мамлакат мустақиллигини эълон қилди. Раҳбарият СССРдан ажралиш масаласини яна референдум воситасида аниқлашга эҳтиёж сезди.

1991 йил декабрида ўтказилган президент сайловига илова сифатида референдум ҳам ўтказилди. «Сиз Ўзбекистоннинг СССРдан ажралиб мустақил бўлишини истайсизми?» деган савол қўйилди.

Орадан бор-йўғи 9 ой ўтиб энди ўзбекистонликларнинг 97 фоизи СССРга қарши овоз беришди.

Хоразмда Қўшбоевани «СССРга қарши» деб қамаган милиция мулозими ўша куни СССР тарафдорлари бош кўтармасин, деб туни билан постда турган эди.

Ботир Ражабов
Манба: Eltuz.com

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, 11 март куни Тошкент шаҳар прокурори Обидов Мирзохид Ҳаётович эгаллаб турган вазифасидан озод қилинган.

Унинг ўрнига Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Мираълам Мирзаев вақтинча шаҳар прокурори вазифасини бажарувчи қилиб тайинланган.

Ишдан олинган прокурор Тошкент шаҳар ҳокимига ўринбосар қилиб жўнатилдиган.

Ўтган йили президент қарори билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилган Обидов Ўзбекистон ҳокимлари штат жадвалига яқинда қўшилган «автоном муовин» вазифасига тайинланганини Озодлик манбаси маълум қилди.

Обидовнинг ўрнига вақтинча қўйилган Мираълам Мирзаев Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятовга хотини тарафдан қариндош бўлади.

Озодлик манбасининг айтишича, «1999 йилдан бери Тошкент шаҳар прокуратурасида ишлаб келаётган

Мираълам Мирзаев амалда шаҳар прокуратурасининг кўланкадаги асосий раҳбари бўлган»

Манбанинг айтишича, асосий «кукловод» (кўғирчоқ ўйнатувчи. -тахр) бўлган Миръалам Мирзаев Аҳатович бундан олдин 2010 йилда шаҳар прокурори Бадриддин



МХХ раисининг қариндоши Тошкент шаҳар прокурорлигига тайинланди

Валиевни ҳам ишдан кетказиб, бир муддат И.О. (вақтинча вазифасини бажарувчи. -тахр) бўлиб турган:

— Мираълам СНБ раисининг марҳум поччаси Аҳат Мирзаевнинг ўғли бўлади. Прокуратура органларидаги чийлашларни асосан шу киши қилади. Жумладан, Тошкент шаҳри прокурорининг биринчи ўринбосари Миръалам Мирзаевни пойтахтнинг амалдаги прокурори ҳам дейишади. Тошкентдаги бирорта катта разбор бу кишининг иштирокисиз ўтмайди, дейди манба.

Озодлик манбасига кўра, 2010 йил 9 мартдан бери

шаҳар прокурори бўлиб ишлаб келган Мирзохид Обидовнинг «кетқилиши» ортида ҳам «Всеголучший кукловод Мираълам Мирзаев турибди».

Обидов Ўзбекистон Президентининг «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги жорий йилнинг 24 феввалидаги Бош вазир қарори билан вилоят ҳокимларининг жойлардаги мутлақ ҳукмронлигига чек қўйишни кўзлаган «ҳоким ўринбосари» лавозимига тайинланган.

ЎХХ хабарлар бўлими



Чаноққалъа зафарининг 101 йиллиги

Бугун Чаноққалъа зафарининг 101 йиллиги. Шу кун 101 йил аввал Биринчи жаҳон уруши чоғида, 1915-1916 йиллар ичида давом этган Европанинг бир неча иттифоқ давлатлари ва Туркия ўртасидаги денгиз ва курукликда кечган жангда турклар ўз тарихларидаги буюк ғалабалардан бирига эришган эдилар. Бу зафар нафақат Туркия туркларининг, балки бутун туркларнинг, ТУРК ДУНЁСИНИНГ ЗАФАРИДИР.

Эътиборингизга Чаноққалъа жангги билан боғлиқ бир хотирани ҳавола қиламиз:

“Агар отанг келса, онам сени қутаяпти дегин...”

Балиқасирда Али Суририй бошланғич мактабининг қаршисидаги очикликда... Эски пойафзал таъмирловчиси... Қишлоқлик, узун мўйлов кўйган бир чол... Жавдат бобо бор эди. Бир куни окшом вақти суҳбат чоғида Чаноққалъа мавзуси очилди. Отахон йиғлай бошлади ва давом этди... “Раҳматли отам Ҳафиз Али... Чаноққалъада шаҳид бўлган вақтда... мен онам қорнида етти ойлик бўлган эканман. Уни ҳеч кўра олмадим... Бир дона сурати ҳам йўқ эди... У кунлар... Жуда оғир кунлар эди. Сафарбарлик муаммоси, Миллий кучлар вақти, ишғол йиллари... Кутулиш, йўқлик, муаммо.

Болалигимиз бир бурда нонга муҳтожлик билан кечди, аммо онам болалигимданоқ ҳар сафар кўчага чиқишидан аввал, қаерга кетмоқчи бўлса ҳам ёнимга келарди ва .. – Ўғлим мен бозорга кетаяпман, отанг келса дарров мени чақир хўп!...

–Мен холангларникига кетаяпман. Отанг келса мени дарров чақир хўп!..

Мен кўшниларникига чиқаяпман. Отанг келса мени дарров чақир хўп!.. – дер эди.

Онам отамни кутишдан тўхтамади...

Улғайдим, дўкон очдим...

Онам яна ҳар бир ерга кетишда...

Дўконга келар, кетмоқчи бўлган жойини айтар ва отанг келса, дарҳол мени чақир хўп!.. дерди.

Орадан йиллар ўтди, онажоним қариди. Яна ҳассасига таяниб менинг олдимга келар ва “Отанг келса мени чақир хўп!...” дея огоҳлантирарди...

Бир кун келиб аҳволи оғирлашди...

Ўлим тўшагида биз билан видолашди... “Менга яхши қарадингиз, ҳаққингизни ҳалол қилинг”- деди.

Мен тарафга қараб секин “Агар отанг келса, унга онам сени кутди, дегин, хўпми” деди.

Шу вақт тўсатдан хайрат ичида эшикка қаради ва кулимсиради: «Хуш келдинг бегим, хуш келдинг!..., – деди ва жонини таслим этди!...”

Чаноққалъадаги шаҳидларимизнинг шафоатларини насиб қил бизга ё Аллоҳим!

ЎХХ хабарлар бўлими

Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари уйғур тилида эълон қилингани кўпчилик қатори мени ҳам мамнун қилди. Бу хабарни фейсбукдаги саҳифамга кўчириб кўйганимда бир киши: “Шеърдан нима наф? Инқилоб қилиш керак, М. Солиҳни ўзбек халқи кутяпти”, – деган бир мулоҳаза қолдирди.

Мен эса у кишига шундай мазмунда жавоб ёздим: “Шеърлари бўлмаганида биз Муҳаммад Солиҳни билмаган ва унинг ғояларига эргашмаган бўлардик.

Биз Муҳаммад Солиҳни шеърлари орқали танидик, кейин шахсан танишдик, суҳбатлашдик, унинг йўли ҳақлигини англадик ва унга издош бўлишни қасд этдик. Ҳақсиз: бугун ўзбек халқи

Шеърият нима?

Муҳаммад Солиҳни кутяпти. Биз уни кутяпмиз. Уни соғиндик”.

Шеърият ҳақида тасавурларим Муҳаммад Солиҳ шеърларини ўқигач тиниклашди. Шеър инсонга унинг кимлигини англашга ёрдам берадиган бир кўмақчидир. Шеърда инсон ўзини англайди, нафсини танийди.

Агар шеърдаги бирор мисра сизнинг қалбингиздаги туйғуни ўзингиз учун очиб берса ёки ҳаётнинг сиз кўрмаган томонларини кашф этса, демак, у ўз вазифасини адо қилибди.

Мен ёзаётган мисраларда Муҳаммад Солиҳ ўхшашлик, унга тақлид бор дейишди. Бу кўп бора

айтилди. Тонмайман ва бундан нафсим озгина хузур туйганини рад этолмайман. Зотан, ҳақ йўлда юрганларга тақлид қилиб ўзимизни кашф этамиз. Эргашиш орқали манзилга етишамиз.

Шеърият – бу эрк майдонидир. Шеърият – ҳақиқат бошланадиган бир сарҳаддир. Ўз сатрлари билан, суҳбатлари билан руҳимни-да, шеърларимни-да бу майдонга, бу сарҳадга бошлаб киргани учун Муҳаммад Солиҳга ташаккур айтаман.

Бошланиши хайрли бўлган бу ишларнинг оқибатини-да хайрли қилишини Оллоҳдан илтижо ила ёлвориб, ялиниб сўрайман.

Гўрўғли

Манба: Facebook.com

Ўтган ҳафта сайтимиз МХХнинг юқори рутбали офицери ўзини отиб ташлаганлиги ҳақидаги хабарлар билан ўқувчиларимизни таништириб борган эди, бугун ушбу хабар «Озодлик» радиоси томонидан ҳам тасдиқланди.

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати полковниги ўз жонига қасд қилган. 6 март куни рўй берган воқеада МХХ Моддий-техникавий таъминот бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Игорь Пирожков хизмат кабинетида тўппончадан ўзини отиб ўлдирган.

Озодлик манбаларига кўра, полковник Пирожковга ҳаётини шу тарзда яқунлаш маслаҳати берилган. МХХнинг нафақат Ўзбекистон, балки хориждаги фаолияти сарф-харажатлари учун масъул бошқарма фаолияти бир неча ойдан бери тафтиш этилаётгани айтилмоқда.

Озодликка яна маълум бўлишича, бу сўнгги уч ой ичида МХХ зобитининг ўзини отиб ўлдириши билан боғлиқ иккинчи ҳодисадир.

МХХ полковнигига ўзини отиш маслаҳат қилинган

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси мулозими ўзини отиб ўлдиргани тўғрисидаги дастлабки хабар Озодликка ўтган ҳафта номаълум манба тарафидан етказилди. Лекин бу ҳодиса ҳақиқатан 6 март куни рўй берганини МХХга яқин яна икки манба сешанба куни тасдиқлади. Озодлик манбалари унинг исмини ҳам ошкор қилишди.

“МХХ Моддий-техникавий таъминот бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Игорь Васильевич Пирожков 6 март куни ўзининг кабинетида хизмат тўппончасидан бошига ўқ узиб, нобуд бўлди. Мазкур бошқарма МХХ тизимидаги энг нуфузли тузилмалардан биридир. Барча молиявий масалалар, жумладан мамлакат ичкариси ва ташқарисидаги махсус амалиётларни молиялаш учун масъул бошқарма бу. Бошқарманинг фаолияти бир неча ойдан бери тафтиш этилаётган эди”, дейди манба.

Ҳодисадан хабардор яна бир манбанинг айтишича, бош бошқарманинг тафтиш этилишига катта маблағнинг талон-торожд қилингани сабаб бўлган.

“Бу бошқарма МХХнинг нафақат Ўзбекистондаги, балки мамлакат ташқарисидаги резидентуралардан тортиб, идора фаолияти учун керакли бўлган анжомларни сотиб олиш сарф-харажатлар масаласини ҳал этади. Бу жада катта пул. Кейинги 20 йил ичида мунтазам катталашиб келган тизимга давлат тарафидан қанча пул ажратилишини тасаввур қилиш мумкин ҳолос. Бундан уч йил аввал ҳам бошқарма бошлиғи генерал Убайдуллаевни талон-торожда айблаб, ҳибсга олишган, лекин мол-мулкни тортиб олишиб, қўйиб юборишган эди. Бу сафар ҳам катта пул ўмарилгани айтилмоқда.

Сўнгги уч ой ичида МХХнинг икки зобити ўзини отиб ташлаган

Лекин Игорь Пирожков бу ишга аралашган бўлса ҳам, асосий шахс эмас. У шунчаки “гуноҳ эчкиси” бўлди. Мендаги маълумотга кўра, бу иш устида турган каттарок зобит унга шундай йўл тутиш тўғрисида маслаҳат берган. Кейинги пайтларда у ичкиликка ружу қўйган эди. Афтидан ҳамма айбни унга тўнкашган, лекин у саводли йигит эди. Ёши ҳали 50ка бормаган эди”, дейди Озодлик манбаси.

Озодликка ўтган ҳафта жўнатилган илк хабарда ҳам, МХХ зобитига ўз ҳаётига нуқта қўйиш тавсия қилингани таъкидланган эди.

Уч ой ичида иккинчи худкушлик

Озодлик манбаларига кўра, декабрь ойида ҳам Тошкент вилояти МХХ зобити ўзини отиб ўлдирган.

Озодлик манбасининг яна маълум қилишича, бу сўнгги уч ой ичида МХХ зобитининг иш жойида ўзини отиб ўлдириши билан боғлиқ иккинчи ҳодисадир. Ўтган йилнинг декабрида МХХ иқтисодий жиноятлар бошқармаси ходими ўзини отиб ўлдирган эди, дея иддао қилади манба.

“Бу МХХ тизимида уч ой ичида иккинчи «самострел»дир (худкушлик). Декабрда ҳам тонг сахар бда Тошкент вилояти МХХ бошқармасида иқтисодий жиноятларни тергов қилиш бўлими зобити хизмат кабинетида ўзини отган эди. Ўқ бошининг ярмини ўпириб ташлаган. Гильза ойнада учиб чиқиб кетган эди. Кўчадан излаб топишди. Бу иш махфийлаштирилган”, дейди Озодлик манбаси.



Ўзбекистонда куч ишлатар идоралар ходимларининг ўз жонига қасд қилиши билан боғлиқ ҳодисалар кейинги пайтларда тез-тез учрамоқда.

Декабрь ойида Андижон вилояти Балиқчи туманида ИИБ Қўриқлаш хизмати ходими 28 ёшли Диёрбек Давлатов иш жойида осилган ҳолда топилган эди.

Ноябрь ойида, уч нафар милиция зобити ўзини ўлдирган эди. 20 ноябрь куни Янгийўл тумани Гулбаҳор ички ишлар бўлими жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан Шарофиддин Темиров иш жойида хизмат тўппончаси билан ўзини отиб ўлдирган эди.

28 ноябрь куни Самарқанд вилояти Нуробод тумани ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи ўринбосари, 30 яшар Ойбек Мамараҳимов ва бошқа ҳамкасби ўзини осиб ўлдирган эди.

Ўтган йилнинг апрелида Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи подполковник Бахтиёр Отаев МХХга сўроққа чақиртирилганидан кейин ўзини осиб ўлдирди.

Бундан ташқари сўнгги бир йил ичида МХХ тизимида катта шов-шувга сабаб бўлган терговлар натижасида ўнлаб зобитлар қамоққа олинди.

Жумладан, МХХ раисининг биринчи ўринбосари генерал Хаёт Шарифхўжаев ишдан четлатилди, унинг укаси МХХ полковниги Жавдот Шарифхўжаев 15 йилга қамоққа ташланди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Табрик

Бугун “Эрк” партияси Бош котиби Отаназар Ориповнинг таваллуд куни.

Отаназар ака, сизни бутун “Эрк” аъзолари номидан туғилган кунингиз билан қизгин муборакбод этамиз!

Аллоҳ сизга миллатимизнинг, халқимизнинг шуқуҳли кунларини кўрмоқликни насиб этсин.

Халқимизнинг озодлик йўлидаги курашларида сизнинг кўп хизматларингиз бор. Ҳали сиз халқимиз ва мамлакатимиз учун янада кўп яхши ишларни амалга оширасиз деган умиддамыз.

Оила аъзоларингиз билан ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

Аллоҳ сизга узоқ умр берсин.

ЎХХ тахририяти

Туркистон соғинди Каъба елини

Бекмурод

Туркистон соғинди Каъба елини,

Ҳайданг, биз томонга тоғларни, энди.

*Дунёлар соғинмиш ўзбек элини,
Қайтадан қурайлик боғларни,
энди.*

Бу тупроқда, яна Синолар унсин!

Берунийнинг руҳи кезсин пурвиқор.

Ғафлат уйқусидан алплар уйгонсин!

Аллоҳни деганга Аллоҳ мададкор!

Ёлгондан чарчадик, бездик рийдан,

*Зулмнинг тиглари суякка етди.
Кечдик ҳамиятдан, қолдик ҳаёдан,*

Ёлғиз ташлаб номус билан ор кетди.

Тўрт бўлиб кўзимиз, йўлларда бугун,

Озодлик байроги, руҳларда кезар.

Банди арслонлар, бўқирар, беун,

Бошимизда “Эрк”нинг еллари эсар...

Манба: www.dunyouzbeklari.com

Менинг назаримда зиёлилик, башариятнинг қисматига дахлдорлик миссияси билан дунёга келган одамларга икки офат таҳдид қилади.

Биринчиси – билмаслик.

Иккинчиси – эса, қай бир даражада билиб, билганлари асосида яшай бошлаган пайтда ФИТНАга йўлиқиш офати....

Билмаслик – билиш лозим бўлганларни ўрганиш – бу ҳаммага аён-тўғри ва табиий жараён, тўхталиб ўтириш эзмалик бўлар...

Аммо, ФИТНА



Оғриқ нуқталар

ҳақида тўхталмасам, ҳеч йўқ, ўз тасаввуримни айтмасам бўлмайдигандек туюлди.

Инсониятнинг жоҳилият даврига ИСЛОМ дини, ИСЛОМ ТАСАВВУФИ, ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ва ниҳоят ИСЛОМ МАДАНИЯТИ тўла нуқта кўйди. Буёғига фақат уни ўрганмоқ ва одамзод ўз турмуш тарзига уни сингдирмоғи қолди холос...

Унда ҳақли бир савол туғилади:

Унда БИЛГАНЛАР нега у қадар ХУРРАМ эмас...

Ҳаёти маълум ва номаълум ғуссаларга лиқ тўла...

Энди шу ўринда айтмоқчи бўлаётган фикримни таъкидлайман.

“РАББАНА ЛА ТУЗИҒ ҚУЛУБАНА, БАЪДА ИЗ ҲАДАЙТАНА”, –деб бошланувчи ояти-қаримаси, бизга шу балодан хабар беради.

Яъни: «Ё Аллоҳ! Бизни иймон келтирганимиздан сўнг, (Эътибор беринг-а иймон келтирганимиздан сўнг, дейилмоқда) Қалбларимизга ғилли-ғашлик солмагин!...

Ўша ғилли-ғашлик ФИТНАдир аслида... Нечунки, ФИТНА инсоннинг ўзигаку майли, атрофидагиларни заҳарлайдиган, не-не олтин бошларнинг бошига етган, не-не соддадил бечораларни тўғри йўлдан оздирган бир балодир.

Кеча Гулбахор Сатторованинг “Оғриқ нуқталар”, аниқроғи адабиётимиздаги, журналистикадаги “Оғриқ нуқталар” ҳақидаги фикри, бугун

куни бўйи хаёлимни банд этди.

Ҳайрон бўлманг, гапни жуда-жуда узоқдан, ОДАМ АТОнинг яратилиш кунидан бошлаб, бу мавзуга тушиб келганимга...

Боиси ҳамиша ўз ФИКРимни илоҳий ақидалар билан боғлаб хулоса ясашга ўрганганман...

Ҳамиша рост сўз, тўғри мақом, инсонга тўғри ОҚИБАТ беради...

Жуда ҳайрон қоламан. Баъзилар МАҚОМ ва МУҚОМни алмаштириб қўйишади, гоҳида....

Ҳамма нарсани билсангу, амал қилмасанг, айтган гапларингга қилаётган амалинг сира-сира мос келмаса....

Бундан кимга фойда, кимга зарар. Грузин халқида бир мақол бор, айтадики: «Эй нодон, боланг АЙТГАНИНГНИ ЭМАС, ҚИЛГАНИНГНИ ҚИЛАДИ», деган...

Ўзимиз ОДАМИЙЛИК ҳақида қайнаб-тошиб шеърлар ёзсакда, бировга сариқ чақалик ҳиммат қилмасак...

Шоирона айтганда: «Бировга илон ўлдирилган тошни раво кўрмасак» ...

Покиза сўзларга бурканган АШЪОРлар битсакда, оғзимиз фақат бировларнинг ғийбатидан бўшамаса...

Раҳматли Муҳаммад Юсуф шоирлар ҳақида ёзган шеърида айтганидек:

Мана улар салқин хиёбонларда,
Энтикиб ёзишар келажакка хат.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ОҚИБАТ ХАҚИДА
ХАЙҚИРИШАР ва,
АБДУЛЛА ОРИФНИ ҚИЛИШАР
ҒИЙБАТ...

Шоирлик мен учун асло орзумас,
Шуям иш бўлдим ЭРКАК
БОШИМГА.

Шеър замиридаги ҳақиқатга тик
бокмоқ керак, ОҚИБАТ ҳақида
шеър ёзиб бўлибмас, ёзиб туриб
ҳам ҒИЙБАТ қиламиз гоҳо...

Шеърнинг ичида бировларни
ёмонлаб-ёмонлаб оламиз...

Бировга суқолмаган
нишларимизни суқиб-суқиб
енгиллаимиз гўёки.....

Холислик энтиқиб
энтиқиб ШЕЪРИЙ НУТҚЛАР
ИРОД ҚИЛАМИЗУ, агар биров
бизни танқид қилса уни ўша
соатдан душман санаб, ўч олишга
тушиб кетамиз....

Агар кимдир биров ўринсиз
мақтаб кўйсаям уни хаёлан дўст
санаб, мақтовига-мақтов билан
жавоб бериш пайдан бўламиз.

Халоллик ҳақида шеър, бадиа,
баллада, э боринг-ки ёзиш
мумкин бўлган, ҳамма нарсани
ёзволлиб, қаламни кўйгач КўНГИЛ
ОВЛАШГА тушиб кетадиган қанча
ҚАЛАМКАШЛАР борлигини
билмаган одам қолмади.

«ХАЁДАН СЎЗЛАЙДИ,
ҲАММА ШАРМАНДА» -
дегандай...

Бир ёш бўлиб, ёш бўлмаганрок,
катта бўлиб катта бўлмаганрок,
ҳавойи шеърлар ёзиб юрадиган
бир шоир укамизга шу ҳақида
танбех берсам, шундай жавоб
берган: «Хўш, бунинг нимаси
ёмон, қизларга, аёлларга хушомад
қилишининг, мен буни фалон
газетада ишлаган вақтимда,
ФАЛОНЧИ шоир акамдан
ўрганганман, у киши ҳам шундоқ
килардилар, мана шуни орқасидан
МАНА ШУНДАЙ РУТБАЛАРГА
эришдилар, агар ёмон бўлса,
шундай ЛАВОЗИМларга
эришармидилар. Мен асли бир
тортинчоқ бола эдим, ўша акамга
эргашиб, шу даражага етдим,
сабаби шу акамдай ОСОН, ЕНГИЛ
ва ФАРОВОН яшамоқчиман!!!»

Хўш, шуларнинг нимаси ФИТНА
дерсиз, ФИТНАлиги шундаки,
бошқаларнинг дунёқарашини
бузмокда.

Бошқаларнинг ҳаёт тарзига
ўзининг захарли ҳаёт тарзи билан
ўрناق бўлмокда....

“Қиёматда имомлардан

тутантирик қилинади, дўзахга,
боиси авом қилса билмай
қилади, имом эса билиб қилади,
авом қилган хатога ҳеч ким
эргашмайди, АММО ИМОМ
ҚИЛГАН ХАТО БОШҚАЛАРНИ
ЭРГАШТИРАДИ», дейилади...

Ҳақиқатан ҳам, ЭЛГА ЎРНАК
БЎЛАРГА, БОШ БЎЛАРГА,
УЛАРГА ФИКР АЙТАРГА
даъвогар бўлган одамда тўрт хисса
масъулият кучли бўлмоғи шарт.
Нечунки, УЛАРДАН ҚОЛГАНЛАР
АНДОЗА ОЛИШАДИ,
ШАМОЙИЛ ОЛИШАДИ, ЭНГ
ЁМОНИ ВА АЙНИ ДАМДА
УЛАРГА ЭРГАШИШАДИ...

Шунчаки ёзиш, шунчаки айтиш
бошқа масала, аммо МИНБАР
даъво қилаётган ЖАНОБларда шу
минбарга муносиб ШАХСИЯТ
бўлиши шарт, лозимдир.

Бир опа Фейсбукка нега кирасиз
деган, саволимга: «Чалғиш» учун,
деб жавоб бердилар....

АМАЛЛАР НИЯТ БИЛАН
МУШТАРАҚДИР, -дейилади саҳиҳ
ҳадисларда.

Кўрқиб кетдим, шу ОПА учун,
ростдан ҳам НИЯТларига тортиб,
ЧАЛҒИБ кетиб қолсалар-а?!?
ЎЗЛАРИДАН, УЙЛАРИДАН,
БОЛА-ЧАҚАЛАРИДАН, АЁЛЛИК
ШАЪНЛАРИДАН ЧАЛҒИББББ
КЕТИБ қолсалар.....

Шу боис, биз Фейсбукдаги ижод
аҳли сал масъулиятли бўлайлик...

ШУНАҚА ОПАХОНЛАРНИ
ЧАЛҒИТАДИГАН ПОСТЛАР
ҚИЛИБ, ЧАЛҒИББББ
КЕТИШЛАРИГА ХИССА
ҚЎШВОРМАЙЛИК, ЎЗИМИЗ
БИЛМАСДАН....

Б и р о в л а р н и н г
постларига кирволиб, ўз
ақллигини(ахмоқлигин аслида)
кўрсатиб, сохта баҳсу-мунозаралар
уюштиришга, яъни том маънода
ФИТНА уюштиришга мойил
бўлган АЗИЗ ВА АЗИЗА дўстлар.
Тушунинг ФИТНАнинг катта-
кичиги бўлмайди, ҳаммаси
Фитна....

Яқинда бир ДЎСТИМИЗ хабар
ёзиб, дедиларки: «Узр, ШОИРА
ЭҚАНСИЗ, МЕН ШОИРЛАРДАН
ҚЎРҚАМАН УЛАР ЁЛҒОНЧИ ВА
ИККИЮЗЛАМАЧИ БЎЛИШАДИ,
ЯҚИНДАБИРОВНИНГПОСТИДА
БИР ШОИР БАҲС УЮШТИРИБ,
ИККАЛА ТОМОННИ БИР-
БИРИГА ТЕНГ ГИЖ-ГИЖЛАБ,
ҲАР ИҚКАЛАСИГАЯМ ЛАЙК
БОСИБ ЎТИРИБДИ, БУ НИМА
ҚИЛГАНИ!!!», деб ёзворди.....

Чиндан ҳам,бу нима
қилганимиз.....

“У ХАТО, БУ ТЎҒРИ, деб,
ХУКМ чиқариш бизга эмас, бизгача
жамийки ҳукмлар чиқиб бўлган,
бизнинг ИШИМИЗ-ҲАДДИМИЗ
фақат ЗИКР қилмоқдир”, -дейилади,
«ТАЗКИРАТУЛ-АВЛИЙЕ»да...

Одам бу дунёда нима топса,
бир-бирини яхши кўриб топади,
нима йўқотса бир-бирини
ёмон кўриб йўкотади,- дейди
НОБЕЛЬ мукофоти совриндори
Габриэль Гарсия Маркеснинг
қаҳрамонларидан бири.

“Содда бўлинг, бир-бирингизни
содаларча меҳр билан ардоқланг”,-
дейди, мең севган МАВЛОНО
ЛУТҒИЙ ЎЗИНИНГ ОШУҒТА
ғазалларида:

Сансан севарим, хоҳ инон, хоҳ
инонма,

Қондир жигарим хоҳ инон, хоҳ
инонма...

Қаранг, қанчалик ишончли,
қанчалик содда қанчалик яхши...

«ХАҚИҚИЙ МЎМИН,
СОДДА БЎЛАДИ,
ЖАННАТ СОДДАЛАРНИКИДИР. ХАҚ
ТАОЛО ЎЗ ЖАННАТИНИ
СОДДАЛАР УЧУН БИНО
ҚИЛДИ», -дейилади саҳиҳ
ҳадисларда...

Келинг, бир-биримизни
фитналарсиз, айёрликларсиз,
макру-гузоқларсиз СОДДАГИНА
яхши кўрайлик...

Бунинг қанчалик гўзал
ҳолат эканини бир лаҳзагина
туйсангизми, шу туйгуга бутун
умрингизни индамай алмашиб
юборардингиз...

Ҳеч қандай
МАҲМАДОНАЛИКЛАРСИЗ,
ортиқча ШОВҚИНЛАРСИЗ
ўзимизни ислоҳ қилишимиз
мумкинку?!?

Мен аниқ биламан, ҳар қандай
ИЛЛАТнинг даъвоси меҳрдир...

Ҳар қандай ФИТНА меҳрнинг
олдида ожиз. Ҳар қандай макр
МЕХРнинг олдида гунгдир...

«Бунча оз севасиз, ёмон севасиз»,
-деб ўксийди Марина Цветаева,
Елабугадаги бир қарич арқон билан
меҳрсизликни бўғаркан. Келинг,
бир-биримизни аяшни, яхши
кўришни ўрганайлик....

Яхшиларни яхшилиги учун,
ожизларни ожизлиги, кучлиларни-
кучлилиги учун яхши кўрайлик....

Ёмонларга инсоф, фитначиларга
диёнат сўрайлик....

Санобар Меҳмон
Манба: Facebook.com



Бир оила фожеаси

Шу кунларда Қозоғистонга кўчиб келган қизимникида меҳмондаман.

Ҳар тугул, бу жойларда хоҳлаган сайтинга киришинг, хоҳлаган масжидингга бориб намоз ўқишинг мумкин. Ўзбекистонда қўшнинг тугул, ўзингнинг соянгдан ҳам кўрқасан одам.

Бугун одагдигдай “Озодлик” билан танишишдан иш бошладим.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтини очиб, “Ислон Каримов резденцияси олдидаги пикет ҳибсга олиш билан якун топди” деган мақолага кўзим тушди.

Саҳифага кўз югуртирсам, икки ҳуқуқ химоячиси плакат кўтариб, пикетга чиққан сурат акс этган экан. Бу нарса Қозоғистонда оддий бир ҳол. Ўзбекистонда эса, бу иш ўз устингдан ўзинг бензин кўйиб, ўзингга ўзинг олов бериш билан барабар.

Албатта, бу икки аёл жасоратига қанча таҳсин ўқилса ҳам оз. Биз, эркаклар золимнинг зулмидан кўркиб, уйимизга кириб: “Оч қорним, тинч қулоғим” деб ўтирган бир пайтда, уларнинг оғзидан ўт пуркаётган аждархо халкумида, миллатни ва унинг келажагини химоя қилишга бел боғлагани... Энди, бу ёғини ёза олмайман. Бизга нима бўляпти, ўзи? Уят эмасми, биз ўзбек эркакларига...

Ҳар сафар келганимда, қозоқларнинг сиёсий онгида катта ўзгаришлар рўй бераётганини кўриб, ҳовлиқиб кетаман. Телевидениясидан туриб, зиёлиларнинг айтаётган гап-сўзларига эътибор бермайсизми?

Буларда, бизларникига ўхшаган ясамалик, ёлғон, лаганбардорлик деган нарсалар йўқ. Қозоқлар президент Назарбоевнинг кўзига боқиб туриб ҳам, окни-ок, қорани-

қора деб, бемалол гапиравердилар.

Афсуски, бизнинг президент билан учрашганда эса, унинг кўнглидагини топиб гапириш лозим бўлади. Унинг нимани хоҳлаётганини билишнинг ўзи бир машаққат. Чунки, унинг ўзи ҳалигача ҳам нимани хоҳлашини билмайди.

Унинг кўнглидагини тополмасанг, ҳолингга маймунлар йиғлайди. Уйингга келмасингдан бурун, эшигинг олдидан, сени режим жаллодлари кутиб ўтирган бўлади. Қўлларингга кишан солиб, тўғри, Тоштурмага олиб кетишади.

Сўзларимнинг тасдиғи учун кичик бир тадқиқот ўтказилса, барчаси аён бўлади. Президент Каримов давлат бошига келган 27 йил ичида, кимки у билан учрашиб гаплашган бўлса, ўшаларнинг 70 фоизидан кўпи қамоқга ташланган. 20 фоизи уйида майиб-мажруҳ бўлиб ўтирибди. 10 фоизининг тақдири турли сабабларга кўра хар хил якун топган.

Бизда, халқ йўқ. Битта мустабид – президент Ислон Каримов бор. Ҳамма, ўшанинг қотиб қолган фикри билан фикрлайди, кўр кўзи билан атрофга назар солади, том битган қулоғи билан дунёни тинглайди.

Эй, Оллох, биз қанақа кунларга қолдик?!

Мени ҳайратга солган нарса, бу эмас. Бу гапларни бугун ҳамма билади. Мени ҳайратга солган нарса, пастдаги сурат. Яъни, бировнинг уйида катта холасининг оғилида ўтирган тирик бузокдай ялпайиб ўтирган Илёс Мустафаевнинг суратдаги ҳолати.

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Терроризим қарши кураш бўлими бошлиғи бўлиб ишлайдиган бу йигит, асли Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидан. Отаси эрта ўлиб, уни азоб-уқубатда етим ўсган бир бола, дейишади.

Мен, бу йигитни марҳум божаси Акрам Одилов туфайли жуда яхши танийман. Акрам бизнинг самарқандлик Нор Алиев, деган оғайнимиз билан жуда иноқ дўст

эди. Нор жуда эрта, 80-йилларнинг бошида Самарқандга кела туриб, автохалокат туфайли раҳматлик бўлиб кетди. У дунёдан ўтгандан кейин ҳам, Акрам иккаламиз ҳеч қачон алоқани узмадик.

Мен, нима учун Акрамни ёдга олдим. Сабаби, мана шу божаси Илёс Мустафаев боис, жигаридан хасталаниб ўлиб кетди.

Акрам “Кабелний завод” томонда турарди. Ётиб қолганидан кейин, уни кўришга уйига бордим. У, ўшанда йиғлаб, менга кўп нарсаларни гапириб берди.

У қайинсинглисининг эри бўлган Илёс Мустафаевнинг оқ оғу — героин билан шуғулланганини очиклаганди. Айтишига кўра, у Акрамнинг оиласини ҳам шу ишга жалб этган экан. Бунинг учун у биринчи бўлиб, Акрамнинг ўзини героинга ўтказиб, сўнгра ўғли Ферузни тортган. Ҳам ўзи истеъмол қиладиган, ҳам героин сотадиган Феруз отасини менсимай кўйгач, Акрамнинг кўзи очилган. Бирок, ҳаммасига кеч бўлган.

Акрамга кўра, Илёс Мустафаев, унинг опаси Саломатхоннинг қизларини ва шунга ўхшаш қорақўлликларнинг кўпчиликларини ҳам оғуға ўргатиш асносида, уларга қатор йиллар оғу соттириб келган.

Илёс Мустафоевнинг қорақўллик орданда ишлайдиган Шерзод Юсуповга ўхшаган кўплаб ҳамтовоқлари бўлган. Мирзо Улуғбек тумани МХХида ишлайдиган Бехзод ҳам, унга ҳамтовоқ бўлган.

Унинг Қорасувда ҳовлиси бўлиб, оғу бутун шаҳар бўйлаб, шу ердан тарқатилган. Тарқатувчиларнинг боши Илёс Мустафаевнинг хотини, ҳисоб-китобни ҳам у юритган.

Демак, шунақа экан, унинг фаолиятдан раҳбарларнинг хабари бўлмаслиғи мумкин эмас.

Хуллас, оиласи билан наркоманга айланган Акрам, охири жигаридан касалланиб, ўлиб кутулди.

Нима демокчиман, Ўзбекистонда бутун давлат идораларида, Илёс Мустафаевга ўхшаган минглаган одамлар ўтирибди. Халқнинг, давлатнинг тақдири, Ўзбекистонда мана шунақаларга боғлиқ бўлиб қолди.

Эй, Оллоҳим! Бизларни қандай кунларга қолдирдинг, кимларнинг қўлига бизларни кишанлаб бердинг!!!

**Кекса бир ўқитувчи
Тахририятг келган мактуб**

(Давоми: Боши олдинги сонда)


— Нима бўлди? — деб сўради у кирган захоти (ота Гретанинг афт-ангорини кўриб, ҳаммасини тушунган эди). Киз бўғиқ овоз билан нимадир деди: кейин отанинг пинжига тикилди.

— Онам хушидан кетиб қолди, аммо ҳозир дуруст. Фақат Грегор хонадан чикиб кетди.

— Ўзим ҳам шуни кутгандим, — деди ота, — мен сизларга доим огоҳлантирганман, аммо сиз, аёллар кулоқ солмайсизлар.

Гретанинг бу қисқа ахборотини ёмон тушунган отаси Грегор куч ишлатди деган фикрга бориши аён эди. Отасига бу тушунмовчиликни англитиш учун Грегорда на фурсат, на имконият бор эди. Шу боис, ҳеч бўлмаса вазиятни енгиллаштириш мақсадида, Грегор ўз ётоғи эшиги ёнига бориб, унга қапишганча тураверди. Шубҳа йўқки, отаси бунни кўриб, Грегорнинг ўз хонасига киришга тайёр эканлигини тушунади ва уни ҳайдаб ўтирмай, эшикни очса бас, — Грегор дарров ғойиб бўлади.

Лекин ота кайфияти бу нозикликларни фаҳмлаш даражасида яхши эмасди. «Ха-а-а!» — деди у кира солиб. Унинг овозидаги адоват деярли қувонч оҳангида эди. Грегор эшикдан бошини кўтариб, отаси томон қаради. У отасини ҳеч бунақа кўраман, деб ўйламаган эди. Тўғри, Грегорнинг уйда бўлаётган янгиликларни аввалгидай кузатиб юриш имкони йўқ ва энди бирор ўзгариш бўлар экан, бунга ҳайрон қолиш ҳам кераги йўқ эди. Лекин, бари бир, наҳотки мана шу одам — унинг отаси бўлса?! Грегор саҳарда ишга жўнаётганда ўрнидан туролмай, ҳолсиз ётадиган одам шу бўлса, Грегор ҳафтада бир марта уйига қайтар экан, уни кўриб, қувончини қўл кўтариб билдиргучи, халатга бурканганча креслодан туролмай ўтирадиган одам шу бўлса?! Якшанба ёки байрам кунлари, онда-сонда бўладиган сайрларда эски пальтосини сўнги тугмасигача қадаб, қўлидаги ҳассани олдинга силтаб ташлаганча, Грегор билан онасининг ўртасида зўрға юрадиган, Грегордан ҳам, онасидан ҳам секинроқ қадам ташлайдиган, бир гапни айтмоқчи бўлса, атрофидагилар унга энгашсин деб, ҳар сафар тўхтайдиган чол — мана шу бўлса?! Йўқ, у ҳозир



Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-6

қадди-қоматини тиклаб олган, банк мирзалари кийгучи кўк мундир гавдасига чиппа ёпишган, баланд ёқа узра ҳайбатли ияги туртиб чиққан, қора кўзлари ўсиқ қошлари остида ялтираб турган, илгари тартибсиз сочилиб ётгучи оқ сочлари энди ҳафсала билан таралиб, ялтиллаётган бир киши эди. У қайсидир банкнинг зарҳал тамғаси тақилган фуражқасини хонанинг нариги чеккасига — диванга улоқтирди. Мундирнинг кенг узун этагини қайирди-да, қўлларини чўнтагига тикди ва башараси ғазабдан қийшайиб, Грегор томонга юрди. У чамаси нима қилишини ўзи ҳам билмасди. Аммо ота оёғини шундай баланд кўтардики, Грегор унинг пошнаси нақадар катта эканлигидан ҳайратланди. Грегор имиллаб ўтирмади, чунки отасининг Грегорга нисбатан ягона тўғри муносабат — қаттиққўлликдир, деб ҳисоблашини яхши биларди. Бунини янги ҳаёти бошланган кунидеъ билди. Шу сабаб, у отасидан шафқат кутмай, қоча бошлади: отаси тўхтама у ҳам тўхтади, отаси чопса, у ўрмалади. Шу алфозда улар хонани бир неча марта айландилар. Уларнинг ҳаракати секинлигидан бу таъқибга ҳам ўхшамасди. Шуни ҳисобга олиб, Грегор вақтинча девор ёки шифтга тирмашишдан ўзини тийди. Қолаверса, шифтда ўрмалаш отасига чидаб бўлмас беорлик бўлиб туюлиши мумкин. Аммо Грегор хонада югуришга ҳам зўрға бардош бераётганини

сезди. Негаки, отаси бир қадам ташласа, у кичик оёқчалари билан жуда кўп ҳаракат қилишга мажбур, бунинг устига нафас олиши тобора қийинлашарди. Грегорнинг ўпкаси аввалдан касал эди. У оёқларини судраб олар экан, кўзини базўр очиб, сўнги кучини тўплади ва жон-жаҳди билан югурмоқчи бўлди. Грегор эси пастлигидан, қутулишнинг бошқа йўли, масалан, девор ёки ўйма нақш берилган, ўткир қирралари кўп мебелга тирмашиш мумкинлигини ҳам ўйламади. Шу пайт тепадан нимадир «тўп» этиб тушди-ю, Грегорнинг олдида юмалай бошлади. Бу олма эди. Унинг изидан иккинчиси юмалади. Грегор даҳшатдан қотиб қолди: югуришидан маъни йўқ, чунки отаси уни бомбардимон қилишга қарор қилган эди. У столда турган вазадаги бор-йўқ олмани чўнтагига тикиб, яхши мўлжалга олмай ҳам, Грегорга отар эди. Олмалар электрлангандай, бири иккинчисига тўкнаш келаварарди. Ниҳоят, улардан биттаси Грегорга сал тегди-ю, зиён етказмади, аммо навбатдаги олма унинг елкасига кириб кетди. Грегор турган жойидан нари кетса, бу кучли оғриқ йўқоладигандай, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди. Афсуски, қимир етмади.

У худди полга михлангандай шалпайиб ётарди. Яна бир оздан кейин секин хушдан кета бошлади. У фақат ўз ётоғининг эшиги очилгани, алланима деб қичқираётган синглисининг гапини бўлиб, онаси отилиб чиққанини (онаси ҳамон ички кўйлақда, уни боя беҳушлигида нафаси қисмаслиги учун қизи ечинтирган эди) ва унинг кийиб улгурмаган юбкасини оёғига ўралаштирганча эри қучоғига ташланганини кўрдию ўзини йўқотди. Худди шу лаҳзада онаси отасидан Грегорни ўлдирмасликни илтижо қилаётган эди.

III

Олиб ташлашга ҳеч қимнинг журъати етмаган олма Грегор елкасида бир сабоқ сифатида қолди. Бу оғир жароҳатдан Грегор бир ой давомида азобланиб яшади. Лекин бу яра ҳатто отасига ҳам ўз бурчини эслатиб қўйди чамаси, аянчли ва жирканч қиёфасидан қатъи назар Грегор оила аъзоси эканлигини, унга душманга қарагандай муносабатда бўлиши инсофдан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

эмаслиги ва нафратни босиб, чидаш, фақат чидаш кераклигини отаси ҳам тушунди.

Жароҳатнинг оғирлигидан Грегор аввалги ҳаракатчанлигини йўқотгани табиий эди.

У қари инвалидларга ўхшаб, хонанинг нариги чеккасига икки-уч минутда зўрга етиб борарди. Деворга тирмашиш эса ҳаёлига ҳам келмасди. Лекин иккинчи томондан, унинг ўйлашича яхши бўлди, чунки энди кечкурунлари меҳмонхона эшиги доим очиқ турар ва Грегор коронгида ётганча, ҳамманинг кўзидан пинҳон, дастурхон теварагидаги ўз қариндошларини кузатар, уларнинг зоҳирий ижозатидан фойдаланиб, суҳбатларини эшитишга ҳақи бор — яъни у нисбатан янгича яшай бошлаган эди.

Тўғри, бу суҳбатлар ўша ўтган кунлардагидай, Грегор бегона шаҳар меҳмонхонасида нам ўриндиққа ўзини ташлаб, ёлғизликда соғинтирадиган суҳбатларга ўхшамас эди. Йўк, улар жуда кам гапиришарди. Отаси кечки овқатини еб, креслода ўтирганча ухлаб қоларди. Она ва қиз бир-биридан жимлик талаб қилиб, лом-мим дейишмасди.

Она дўкон буюртмасини бажариб оқ матодан нимадир тикар, сотувчи бўлиб ишга кирган синглиси — кейинроқ яхши ишга жойлашиш мақсадида стенография ва француз тили билан шуғулланарди. Гоҳо отаси уйғониб кетиб, гўё ухламагандай, онасига «Бунча узоқ тикмасанг!» деб лукма ташлар ва яна ухлаб қоларди. Буни кўрган она ва қиз бир-бирига жилмайиб кўярдилар.

Отаси ғалати бир қайсарлик биланиш мундирини уйда ҳам ечмас эди: халати кийилмай, илмоқда осилиб турар, у бўлса худди ҳозир бошлиқнинг овози эшитиладиган ўрнидан сагчиб турадигандай, креслода мудрарди. Оқибатда шундай ҳам эскирган бу мундир, она ва қизнинг қилган ҳаракатларига қарамай, ўз кўринишини бутунлай йўқотган эди. Ҳамма жойи доғ, аммо тугмачалари доим ялтираб турадиган бу мундирни Грегор кечкурунлари узоқ томоша қиларди. Чол бу мундирда, нокулай бўлса ҳам, хотиржам ухларди.

Соат ўнга занг урганда онаси чолни секин уйғотиб, ўрнига ётқизмоқчи бўларди. Негаки, унга кресло ўнғай бўлса ҳам, тонг соат

Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-6

олтида турмоқ учун тўйиб ухлаш зарур эди. Лекин отаси мирзалик вазифасига ўтгандан бери қайсар бўлиб қолган ва шу туфайли ҳар гал креслодан каравотга ўтказиш учун уйғотсалар, у қайта ухлаб қолиб, ҳаммани ҳалак қиларди. Она унинг енгидан тортиб, қулоғига ширин гаплар айтар, ҳатто Грета ҳам машғулотини ташлаб, онасига ёрдам берарди. Ниҳоят, иккови чолни қўлтигидан кўтаришганда, чол гоҳ хотини, гоҳ қизига қараб «Мана, ҳаёт, мана, қариган кунимда роҳат», дея гўлдирарди. Ва уларга суяниб, гавдасини идора қилолмайдиган одамдай оҳиста ўрнидан турар, ўз хонаси эшигига етганда, боши билан уларга «Кўяверинглар, ўзим бораман», деб имо қилар эди. Қиз отасига жой тўшаш учун шошар, она бўлса тикувини бугунча тўхтатарди.

Оғир меҳнатдан силласи куриб, зўриққан бу оилада Грегордан ҳабар олишга деярли ҳеч кимнинг вақти йўк эди. Рўзғорча зарур ҳаражат микдори кун сайин қамаярди. Шу боис, хизматкор қизнинг жавобини беришга тўғри келди. Оғир ишларни бажариш учун оқ сочли йўғон, суякдор бир хотин келадиган бўлди. Қолган юмушларни, тикув-бичув билан бир қаторда, онасининг ўзи қиларди. Грегор бир кун кечкурун уйдагиларнинг қаердандир пайдо бўлган пул ҳақидаги гапини эшитиб, ҳатто байрамда тақиладиган киммагбаҳо нарсалар ҳам сотилганини билди. Айниқса, оила аъзолари квартиранинг катталигидан кўп нолирдилар. Моддий аҳволнинг танлиги кичикроқ уйни ижарага олишни тақозо этар, аммо Грегорни кўчириш муаммо эди. Грегор кўчишга ҳалал бераётган нарса фақат ўзи эмаслигини яхши биларди, чунки уни ҳаво кириб турадиган бирор қутига солиб, бемалол кўчириш мумкин. Йўк, оилага ҳалақит бераётган нарса — ҳеч кимнинг бошига тушмаган бу фалокат негадир айнан Замзалар оиласини танлагани ҳақидаги даҳшатли фикр ва ноумидлик эди. Бу оиланинг ҳар бир аъзоси, киборлар камбағалдан не талаб қилса, шуни бажармоққа маҳкум эди: отаси банк хизматчиларига нонушта ташир, онаси бировларнинг чойшабини тикишга ўзини фидо қилар, синглиси харидорлар ҳукми билан

дўконга чопар эди — хуллас, улар бошқа ишга қурби етмай, кечга яқин сулайиб қолардилар. Грегорнинг елкасидаги яра ҳам бошқача оғрий бошлади. Кечкурунлари она билан қиз чолни ётқизгандан сўнг ўз ишларини дарров тўхтатар ва ёнма-ён бир-бирининг пинжигига кириб ўтирарканлар, она Грегор ётган хона эшигига имо қиларди, «Грета, анави эшикни ёпиб қўй», дердию Грегор яна зулматда қоларди. Кейин она билан қиз кўзёш тўкар, ниҳоят кўзлари қақраб, бир нуктага тикилганча лол ўтирардилар.

Грегор кундуз ҳам, кечаси ҳам ухламасди. У баъзан ҳозир эшик очилса, бас — оила ташвишини яна ўз зиммага оламан, деб ўйларди. Унинг онгида — узоқ танаффусдан кейин — яна бошлиқ ва коммивояжерлар пайдо бўлди, яна шогирд болалар, тентак фаррош, бошқа фирмада хизмат қилувчи икки-уч оғайниси, қай бир вилоят меҳмонхонасидаги хизматкор қиз — истараси иссиқ бир мавжудот, оний хотира ва шляпалар сотиладиган дўконнинг кассири — чиройлигина аёл (Грегор анчагача унинг кўнглини овлаб юрган эди) — ҳаммаси аралаш-қуралаш, нотаниш унутилган одамлар қўшилиб, яхлит бир манзара ҳосил қилди. Лекин улар ҳам Грегор ва унинг оиласига ёрдам беролмас, шунинг учун Грегор уларни унутса хурсанд бўларди.

Кейин у яна оиласини ўйламай қўяр, ҳатто унга яхши қарашмаётганини эслаб ғазабланар эди. Нима ейишини тасаввур қилмай туриб, оморхонага тушишга ўзича қасд қилар, оч бўлмаса-да, ўз ҳиссасини олиш ҳақида ўйлар эди. Кейинги пайтда ишга кетишдан олдин эрталаб ёки пешинда синглиси Грегорга ёкса-ёкмаса, бирор овқатни оёғи билан суриб хонага киритадиган бўлди. Кечкурун эса бу овқатни ейилдими-йўкми, қарамай, супуриб ташларди. Грегорнинг хонасини тозалашга синглиси энди кўп вақт йўқотмасди. Хонани қалин чанг босган, ахлат уйилиб ётар, деворларга узун-узун доғлар чапланган эди.

(Давоми келгуси сонда)

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов